

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

АРХЕОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

МАВЗУ: ТЕРМИЗ ҚАДИМДА ВА ЎРТА АСРЛАРДА

УМАРОВ ЭЛДОР ЎКТАМОВИЧ

ИЛМИЙ РАҲБАР: ўқ Аннаев Ж. Т.

Тошкент-2012.

Мундарижа.

Кириш	3-7
I. БОБ. Шимоли-ғарбий Бақтриянинг кушон подшолиги даври шаҳарсозлиги ва шаҳар маданияти.	
1.1 Шимоли-ғарбий Бақтриянинг кушон подшолиги даври шаҳарсозлиги.....	8-20
1.2 Шимоли-ғарбий Бақтриянинг кушон подшолиги даври ёдгорликларининг типологияси.....	21-24
II. БОБ. II ЭСКИ ТЕРМИЗ ЁДГОРЛИГИ	
2.1 Термизнинг тарихий топонимикаси ва географияси.....	25-34
2.2 Қадимий Термиз- илм ва маданият маркази.....	35-40
2.3 Термизнинг ўрта асрлар даври тарихининг ўрганилиши.....	41-43
2.4 IX асрда Термизда шаҳарсозлик.....	44-46
2.5 Эски Термиз ҳудудидаги ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва буддавийлик иншоотлари.....	47-54
Хулоса.....	55-57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	58-62

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси президенти сазй-ҳаракатлари билан Ватанимиз мустақилликка эришгандан бошлаб тарихий марказларимизнинг ўтмишда тутган салоҳиятини чуқур ўрганиш, бу салоҳиятни тиклаш ва уни мустақил Ватанимиз тараққиёти йўлида унумли фойдаланиш муҳим вазифалардан бири сифатида шаклланди. Ўзбекистон ҳудудида ўтмишда мавжуд бўлган шаҳарлар тарихини янада кенг ва атрофлича ўрганиш, бу шаҳарларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихида тутган ўрнини ёритиш, бу шаҳарларнинг замонавий сайёҳлик марказларига айлантириш айниқса 1997 йилдан ЮНЕСКО нинг қарорига биноан Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини кенг нишонлаш билан бошланди.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Эски Термизда ёдгорликларида кенг қўламда археологик тадқиқотлар олиб борилди, бу марказлар ва улар атрофида жойлашган меъморий иншоотлар замонавий усулда таъмирланди, бу шаҳарлар юбилейига бағишлаб Бухоро ва Хива шаҳарлари каби бир неча тилларда рангли альбомлар нашр этилди.

Ватанимиз ҳудудида қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти, илк давлатчиликнинг шаклланишида Шимоли-ғарбий Бақтрия (Сурхон воҳаси) алоҳида ўрин тутган.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Танланган мавзунинг даврий чегараси қадимги ва ўрта асрлар даврини, яъни Шимоли-ғарбий Бақтрия-Тоҳаристонда кушон подшолиги шаҳар маданиятининг шаклланишидан тортиб, токи ўрта асрлар яъни Араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатили, ислом динининг ёйилиши ва шаҳар маданиятининг янада тараққий этган даврини ўз ичига олади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Бу борада Эски Термиз ёдгорлигида 1936-1938 йилларда археологик тадқиқот ишларини олиб орган М. Е. Массон бошчилигидаги Термиз археологик экспедицияси фаолиятини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1980 йилдан бошлаб Шимоли-ғарбий Бактрия (шунингдек Тоҳаристон) Кушон подшоликлари даври йирик шаҳарларидан бири Тармита-Термизнинг барча тарихий даврларга оид иншоотлари ва маданий қатламларини Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ш. Р. Пидаев бошчилигидаги археологик гуруҳи томонидан ўрганила бошланди.

XX асрнинг 80-йиллари давомида бу гуруҳ томонидан қадимги шаҳарнинг турли қисмларида кенг қўламда археологик қазув ишлари амалга оширила бошланди. Археологик тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад, бу шаҳар маданий қатламлар, қурилиш иншоотлари ва ашёвий манбаларни даврлаштиришдан иборат бўлди.

Археолог Ш. Пидаев Эски Термиз маданий қатламларини мавжуд ашёвий манбалар (хунармандчилик буюмлар, тангалар ва санъат намуналари) асосида қуйидагича даврлаштирган. Эски Термиз ҳудудида ва унинг атрофида энг дастлабки кичик қишлоқларнинг пайдо бўлиши милоддан аввалги VI-IV асрларга оид.

Термиз - I ёки Юнон-Бактрия даври. Бу давр иншоотлари ва улар билан боғлиқ ашёвий манбалар асосан Термиз арки-аълосида ва Чингизтепадан жануби-шарқий тарафда қайд этилган.

Термиз – II ёки Кушон даври. Бу давр Тармита-Термиз тарихида алоҳида ўрин тутган. Кушон подшолиги даврида шаҳар ҳудудий жihatдан кенгайган, шаҳар маданияти раvнақ топган. Қоратепа, Фаёзтепа сингари йирик буддавийлик диний марказлари вужудга келган.

Археолог олим Ш. Пидаев томонидан Термиз-II ёки Кушон даври хронологик жihatдан шартли раvишда уч босқичга бўлинган.

Биринчи босқич – илк Кушон даври (милоддан аввалги I- милодий I асрлар).

Иккинчи босқич-ўрта Кушон даври (милодий II-III асрлар)

Учинчи босқич – сўнгги Кушон даври (милодий IV-V асрнинг бошлари)¹.

1994 йилдан Эски Термиз ёдгорликлари мажмуида ўзбек-француз Бактрия

¹ Пидаев Ш. Р. Стратиграфия городища Старого Термеза в свете новых раскопок // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Т., «Фан», 1987, стр. 87-92.

экспедицияси (рахбарлар: 1994-1996 йиллар тарих фанлари номзоди Т. Аннаев, профессор П. Лериш; 1997 йилдан ҳозирга қадар тарих фанлари номзоди Ш. Пидаев, профессор П. Лериш) томонидан Эски Термизнинг қалъа қисмида, “Кичик ва Катта Чингизтепа” ларда кенг қўламда археологик тадқиқотлар олиб борилди. Ш. Пидаев томонидан Эски Термиз ёдгорликларини давраштираш янада янги ашёвий манбалар билан бойитилди, шаҳарнинг тараққиёт босқичлари археолог олим Ш. Пидаевнинг қатор мақола ва рисолаларида ўз аксини топган.¹ 1961 йилдан Эски Термизнинг йирик буддавийлик иншоотларидан бири Қоратепада Б. Я. Ставиский бошчилигида бирлашган экспедиция томонидан қарийб 30 йилдан ортиқ давр мобайнида археологик тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлар туфайли Қоратепа буддавийлик иншоотлари мажмуи мисолида қатор илмий муаммолар жумладан, буддавийлик динининг Ўрта Осиё хусусан Тармита-Термизга кириб келиши, бу диннинг шаҳар ва шаҳар аҳолиси ўртасидаги ўрни, Тармита буддавийлик ибодатхоналарининг бу динни Хитойга қадар тарқалишида тутган ўрни каби масалалар, ибодатхоналарда қўлланилган ёзув ва уларнинг турлари, бу буддавийлик монастырларининг мавжуд бўлиши саналари маълум маънода ўз ечимини топди. Қоратепа буддавийлик иншоотлари мажмуидан топилган ашёвий манбалар қатор тўпلام ва монографик тадқиқотларда эълон қилинди.² 1969-1976 йиллар оралиғида Эски Термизнинг яна бир Кушон даври буддавийлик монастыри Фаёзтепа Л. И. Альбаум томонидан ўрганилди. Гарчанд ҳанузгача Фаёзтепа буддавийлик монастыри ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эълон қилинган бўлмасада, бу ибодатхонанинг Л. И. Альбаум томонидан ўрганилиши жуда муҳим бўлиб, Тармита-Термиз буддавийлик иншоотларининг шаклланиши, бу турдаги ёдгорликнинг ўз даврида Термизда тутган ўрни ва Тармита –Термизнинг

¹ Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши// Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 12-27 бетлар.

² Кара-тепе-буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе (Кара-тепе 1) М., Наука, 1964; Буддийские пещеры Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 2) М., Наука, 1969; Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 3) М., Наука, 1972; Новые находки Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 4) М., Наука, 1975; Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 5) М., Наука, 1982; Буддийские комплексы Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 6) М., Наука, 1996; Ставиский Б. Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. М., Наука, 1998 ва х.зо.

дунё динларидан бири буддавийликни Ўрта Осиё ва ундан сўнг Шарқ мамлакатларига тарқалишини ўрганишда жуда муҳим бўлди.¹

1998 йилдан Кушон подшолиги даврида Тармита-Термизнинг марказий ибодатхонаси ҳисобланган Қоратепа буддавийлик монастирлари мажмуида Ўзбекистон – Япония Қоратепа археологик гуруҳи (раҳбарлар: тарих фанлари номзоди Ш. Пидаев, профессор Като Куидзо) қайтадан кенг кўламда археологик тадқиқот ишларини амалга ошира бошлади. Асосий тадқиқот ишлари Қоратепа ибодатхоналар мажмуининг ғарбий ва шимолий қисмларида кенг кўламда тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Натижада шимолий қисмда бир қанча монументал бинолар, деворга ёпишган қойустиунли кичикроқ ибодатхона, ташқи айвон, марказий ховли атрофидаги йўлак ва ховли атрофи бўйлаб жойлашган ибодатхоналар хоналари очилди. Монастирдан шимол томонда икки ступа очилди.²

2004-2006 йилар давомида Тармита-Термизнинг яна бир буддавийлик монастири Фаёзтепани Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО нинг Тошкентдаги ваколатхонаси, Япония Траст фонди лойиҳаси асосида ёдгорликни таъмирлашга тайёрлаш муносабати билан обида археологик жиҳатдан тўлиқ қайта ўрганилди. Термиз Давлат Университетининг археолог Т. Аннаев, Ж. Аннаевлар раҳбарлигида ва иштирокида Фаёзтепа батамом қайта ўрганилди, унинг қурилиш босқичлари аниқланди, кўплаб ашёвий манбалар тўпланди. 2004-2006 йиллардавомида Фаёзтепада амалга оширилган тадқиқотлар бу буддавийлик монастирининг қурилиш хусусиятларини ва тармита-термизнинг энг дастлабки буддавийлик иншоотининг меъморий тузилишини аниқлашга муваффақ бўлинди.³

¹ Альбаум Л. И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе (по материалам раскопок 1968-1972 гг.) Древняя Бактрия. Л., наука, 1974, стр. 53-58;

Ўша муаллиф: Исследование Фаяз-тепе в 1973 г.-Бактрийские древности. Л., наука, 1976, стр. 44-45; Ўша муаллиф: О толковании каратепинских комплексов (в свете раскопок Фаяз-тепе). Буддийские памятники на Кара-тепе в Старом Термезе. М., Наука, 1982, стр. 53-56; Ўша муаллиф: Живопись святилища Фаяз-тепа-Культура Среднего Востока. Изобразительное и прикладное искусство. Т., 1990, стр. 18-27.

² Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши// Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 12-27 бетлар.

³ Чориев З, Аннаев Т. Фаёзтепа-Ўрта Осиёнинг энг қадимги буддавийлик ибодатхонаси. // Жайхун. Термиз Давлат университети хабарномаси, Термиз, 2005, № 3-4.

Илмий янгилиги. Мазкур малакавий битирув ишида Шимоли-ғарбий Бақтрия қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти Эски Термиз ёдгорлиги мисолида босқичма-босқич ўрганилди.

Тадқиқотнинг манбаси. Мазкур малакавий битирув ишининг асосини уч манба тарихий, ёзма ва археологик илмий адабиётлар ташкил этади. Муҳтарам юртбошимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” ва “Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолияти тўғрисидаги” Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Самарқанд каби қадимий марказларимизнинг 2500, 2700, 2750 йиллик ёшларини нишонлашга бағишланган тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

I БОБ ШИМОЛИ-ҒАРБII БАКТРИЯНИНГ КУШОН ПОДШОЛИГИ ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ ВА ШАҲАР МАДАНИЯТИ.

1.1 Шимоли-ғарбий Бактриянинг кушон подшолиги даври шаҳарсозлиги ва Эски Термиз

Кушон подшолиги Шимоли-ғарбий Бактриянинг қадимги давр шаҳар маданиятининг равнақ топган давридир. Бу давр шаҳарларининг ички тузилиши Эски Термиз, Далварзинтепа, Зартепа, Ҳайитободтепа, Жондавлаттепа, Кампиртепа ёдгорликларида кенг қўламда амалга оширилган археологик тадқиқотлар туфайли маълум. Кушон даври Бактриянинг Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон қисмидаги шаҳарлар тўғрисида маълумотлар Тепаишоҳ¹ ва Дилбарчин² ёдгорликларида амалга оширилган тадқиқотлар туфайли маълум даражада ўз ечимини топган.

Шимоли-ғарбий Бактриянинг Кушон подшолиги даври марказий шаҳри ҳеч бир шубҳасиз Тармита (Термиз) ҳисобланган. 1936-1938 йилларда М. Е. Массон, 1961 йилдан Қоратепа буддавийлик монастирлари мажмуида Б. Я. Ставиский бошчилигида амалга оширилган археологик тадқиқотлар, 1969-1976 йиллар оралиғида Л. И. Альбаум томонидан Фаёзтепа монастирининг ўрганилиши, 1979 йилдан Ш. Р. Пидаев бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтининг алоҳида гуруҳи томонидан Эски Термиз ёдгорлигида амалга оширилган мунтазам тадқиқотлар ва мустақиллик йилларида ўзбек-француз Бактрия, 1998 йилда ўзбек-япон Қоратепа археологик гуруҳлари томонидан Эски Термизда кенг қўламда археологик қазув ишларининг олиб борилиши туфайли Тармита (Термиз) нинг Кушон подшолиги даври ҳудуди, тузилиши ва тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдиришга имкон беради.

Кушон подшолиги даврида Тармита-Термиз ғоят равнақ топди, майдони 350 гектардан ошди. Бироқ кушонлар давридаги Бактриянинг айрим

¹ Литвинский Б. А., Седов В. А. Тепаи Шах. М., Наука. Стр. 20-22.

² Кругликова И. Т., Дильберджин. Материалы археологической карты Афганистана. Выпуск 2. М., Наука, 1974.

шаҳарларидан фарқли, унда шаҳар ички тузилиши тарқоқроқ олиб борилди. Ички шаҳар ҳудудида, Дунётепа ўрнида ҳамда ўрта асрлар шаҳристонининг айрим қисмларида иморат зич қурилганлиги қайд этилган. Шаҳарнинг бошқа жойларида уйлар боғ-роғлар ҳамда экинзорлар орасида алоҳида қўрғон-чорбоғ тарзида жойлашган. Ички шаҳар жадал обод бўла борган. Бу ерда Кушонлар даври маданий қатлами қалинлиги 5 метрга боради. Шаҳарда улкан қурилиш ишлари олиб борилган, майдони 10 гектар бўлган ички шаҳар атрофи, шу жумладан дарё томондан ҳам, мустаҳкам муҳофаа девори билан ўраб олинган. Бандаргоҳ яъни порт қисм ҳам шу ерда бўлиб, у дарё бўйлаб кўтарилган девор билан муҳофаза қилинади. Жануби–шарқий қисмда шаҳарни бандаргоҳ билан боғловчи махсус нишаб йўл бўлиб, у шарқ ва ғарб томондан ярим думалоқ буржлар билан мустаҳкамланган муҳофаа девори билан ҳимояланган эди. Шаҳарга олиб кирадиган асосий йўл жануби-ғарбий бурчакда жойлашган эди. Бу даврда шаҳарда кўплаб маҳобатли иморатлар қурилган.¹

1979 йилдан буён Эски Термиз ҳудудида Ш. Р. Пидаев ва ҳоказо олимлар томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли шаҳарнинг иқтисодиёти, ҳунармандчилиги, савдо алоқалари ҳақида ҳам ашъвий манбаларга таянган ҳолда фикр билдириш мумкин.

Кушон подшолиги даврида иқтисодиёт барқарор ўсгани учун Тармита – Термиз ҳам раванқ топди. Бунда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш етакчи ўрин тутди. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг янги турлари пайдо бўлди, ишлаб чиқариш технологияси такомиллашди, чиқариладиган маҳсулот ҳажми кўпайди. Қулолчилик асосий ўринни эгаллади, у сўнгги кушонлар давридаги энг юқори даражага кўтарилди. Шу даврда сопол идишлар тури кўпайди, уларнинг сифати ортиб, ўзи ранг-баранг бўлаверди. Қулол усталар сўнгги Кушон даврида ўз маҳсулотларини турли–туман нақшлар, асосан

¹ Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши// Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 15-бет.

хайвон тасвирларидан иборат ёпишмалар билан беаганлар, уларга жило берганлар.

Тармита-Термиз кулолчилик ишлаб чиқаришдаги сифат жиҳатдан бу каби юксалиш ишлаб чиқариш технологияси яхшиланганлиги ҳамда меҳнат яхши ташкил этилганлиги билан боғлиқ эди. Шаҳарда махсус алоҳида унинг бир қисмида кулоллар маҳалласи юзага келганлиги ҳам бунга имкон яратди. Кушонлар даврида чилангар усталар эришган ютуқлар ҳам бундан кам эмасди. Шаҳарнинг шимоли-шарқий томонида металл буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган устахоналар юзага келди. Бу ерда ишловчи усталарнинг айримлари темир буюм ясаса, бошқалари жез буюм ясар эди. Тўқимачилик, тоштарошлик ҳам жадал суръатлар билан ривожланди. Ҳунармандчиликнинг бу тури маҳсулотлари Кушонлар даврида шаҳар ҳунармандчилигида кенг қўлланилган. Булар ҳажман хилма-хил пойустунлар, каллақлар, нимустунлар, шарафалар, қоплама кошинлар ва ҳоказолардир.¹

Тармита – Термизнинг Кушон подшолиги даври иморатларининг қурилиши ва безатилишида қўлланилган тоштарошлик намуналари Термиздан 30 километр Окс-Амударё бўйлаб жойлашган Хожа Гулсуяр мавзеидан қазиб олинган. Кушон подшолиги даврига оид Хожа Гулсуяр ёдгорлиги эса бу даврда оқтошни қайта ишлайдиган устахона вазифасини ўтаган. Хожа Гулсуяр ёки “Бургутлар макони” деб номланган бу устахоналарда ясалган тош маҳсулотлари қайиқларда Окс-Амударё орқали Шимоли-ғарбий Бақтриянинг турли қисмларига етказилган.²

Хожа Гулсуярдан қазиб олинган органик тошнинг яхши хусусиятларини билган усталар ундан турли тасвирлар, жумладан ҳаёлий хайвонлар, арслонлар, филлар ҳамда акант, пальметта, тўпбарггул нақшлар билан безатилган устун каллақлари ҳамда шарафаларни кишиларни ҳайратга соладиган даражада ясаганлар. Эллин ҳамда будда маданиятининг энг яхши

¹ Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши// Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 15-бет.

² Аннаев Т, Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1997., 44-бет.

ютуқларини айни тош меъморчилиги металларида муҳрланган бўлиб, улар ижодий қайта ишланган, бойитилган ҳамда Бактрия аҳолисининг эстетик диди ва талабларига мослаштирилган. Юқорида таъкидлаб ўтилган хунарлардан ташқари Тармита – Термизда заргарлик ва суяк ўймакорлиги ҳам ривожланган.¹

Кушонлар даврида Тармита-Термизда ички савдо ғоятда ривожланган. Шаҳар ҳудудидан топилган Кушон давлати подшолари тангалари жуда кўплаб саналади.²

Кушонлар даврида Тармита-Термиз орқали ташқи савдонинг ҳам роли ортиб борган. Тармита – Термиз Шимолий Ҳиндистон шаҳарлари билан чамбарчас маданий ва савдо алоқалари олиб борган. Ушбу ҳудудларнинг ягона Кушон подшолиги қўл остида бирлашгани учун шундай имконият юзага келган. Тармита-Термиз ташқи савдонинг муайян қисми уни Парфия ва Хоразм билан боғловчи Окс – Амударё орқали олиб борилган.

Шаҳар иқтисодий ҳаётида қишлоқ хўжалиги салмоқли ўрин тутди. Чағонруд (Сурхондарё)дан юқорилаб Тармита – Термиз 25 километрлар шарқда дарё бўйлаб Тармита–Термиз томон йирик суғориш иншооти каналнинг қурилиши жуда муҳим бўлди. Бу каналнинг бош иншооти уни муҳофаза этиш учун қурилган қалъадан иборат бўлган Талитоғора ўрнига тўғри келади.³

Шаҳар иқтисодий ҳаётида қишлоқ хўжалиги салмоқли ўрин тутди. Канал ўтказилиши шаҳар атрофидаги экинзорларнинг ҳосилдорлигини тубдан ошириш учун шароит вужудга келтирди. Боғ-роғлар, полиз экинлари майдони кенгайди, бу эса шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш имкониятини яратди. Шундай бўлсада, деҳқончилик технологияси ҳам паст даражада эди, бироқ донли экинларни парваришlash технологиясида муайян янгиликлар юзага келган

¹ Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши// Термез буюк йўллар чорраҳасидаги қўхна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 14-бет.

² Ртвеладзе Э. В., Пидаев Ш. Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. Т., Фан, 1981, стр. 44-94.

³ Аннаев Т. Дж. Раскопки на Талитогора и вопросы водоснабжения древнего Термеза и его округа // История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 19, Т., 1984, стр 169-178.

эди. Масалан, сўнгги кушонлар даврида тегирмон тоши, бинобарин, қўл тегирмони, эҳтимол сув тегирмони ҳам пайдо бўлган.¹

Кушонлар даврида Тармита- Термиз буддавийлик динининг йирик марказига айланди. Буюк Кушон подшоси Канишка даврида (милодий II асрнинг биринчи ярми) Термиз зиммасига мафкуравий вазифа ҳам юкланиб, у неча юз йиллар давомида буддавийликнинг Ўрта Осиёда маркази бўлиб қолди. Бу ердан Темир дарвоза орқали шимолга, Сўғдиёнага, Окс водийси орқали шимолий-ғарбга, Марғиёнага ҳамда Помир ва Олой тоғлари орқали шимоли-шарққа, Шарқий Туркистонга борган даъватчилар Будда таълимотни мазкур вилоятларга, шунингдек Хитой ва Тибетга ёйдилар.²

Хитойда буддавийликни тарғиб қилишда, буддавий асарларни санскрит тилидан Хитой тилига таржима қилган, хитой шаҳарларида буддавийлик монастырларини қурган ҳамда у ерда маҳаллий аҳоли жумласида шогирд тайёрлаган тохаристонликларнинг номлари тарихий манбаларда бизгача етиб келган.

Бактрия-Тохаристонлик упасака Чжи Цзянь (милодий III асрнинг биринчи ярми) шундай буюк буддавий роҳиблардан бири бўлган. У Хитой пойтахти Лоян ва Нанкин шаҳарларида даъватчилик ишларини олиб борган. Хитой ёзма манбаларида у ҳақда: “Жисмонан заиф бўлсада, билимдон эди”, деб хабар берилади. 222 йилдан 253 йилгача бўлган даврда у қирқ тўққизта буддавий асарни Хитой тилига таржима қилган.

Яна бир буюк буддавий роҳиб тохаристонлик Дхармаракша Хитой пойтахтига яқин жойда – Чанъанда милодий 284 йилдан 313 йилгача юздан зиёд буддавий асарни хитой тилига таржима қилди, бир неча минг роҳиб таълим оладиган буддавий монастырига асос солди. Дхармаракша беназир қувват ҳофизигача эга бўлиб, 36 тилни билар эди. Хитой манбаларида Дхармаракша “Нирванинг айтиши интиҳоси ғояси” ни тушуниб етганлиги

¹ Пидеев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши// Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 14-бет.

² Ртвеладзе Э. В. Термиз ва унинг Ўрта Осиёдаги аҳамияти // Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 10-бет.

унинг алоҳида юксак инсоний фазилатларидан бири сифатида ажратиб кўрсатилади.

Термизда туғилиб вояга етган буддавий роҳиб Дхармаракша Тибетда буддавийлик институтининг қарор топишида, буддавий асарларни хитой тилига таржима қилишда, шаҳарлашда улкан рол ўйнаган.¹

Дарҳақиқат археология манбалари Эски Термизни Кушон подшолиги даврида буддавийликнинг энг йирик марказларидан бўлганлигидан далолат беради. Тармита-Термизнинг буддавийликка оид моддий маданият намуналари 1928 йилда Шарқ музейи (Москва)нинг Б. Денике раҳбарлигидаги экспедицияси давридаёқ маълум бўла бошлаган. 1928 ва 1938 йилларда Эски Термизнинг Қоратепа буддавийлик иншооти шу тарзда фанда маълум бўлди. 1961 йилдан 1990 йиллар бошларига қадар Эски Термизнинг Қоратепа буддавийлик иншоотлари мажмуида Б. Я. Ставиский раҳбарлигида қўшма археологик гуруҳ изланишлар олиб борди. 1998 йилдан Қоратепада Ўзбекистон-Япония халқаро археологик гуруҳи кенг кўламда изланишларни давом эттирмоқдалар. 1969-1976 йиллар оралиғида Эски Термизнинг яна бир буддавийлик иншооти Фаёзтепа археолог Л. И. Альбаум томонидан ўрганилди. 2004-2006 йиллар давомида Фаёзтепада амалга оширилган қисман таъмирлаш ва обидани сақлаб қолиш ишлари доирасида бу буддавийлик монастири тўлиқ қазиб очилди.² Табиийки, Қоратепа буддавийлик монастирлари мажмуи ва Фаёзтепа буддавийлик монастирида амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари Тармита-Термизда бу иншоотларнинг тутган ўрни, тарҳи, аҳамияти, айниқса бу ибодатхоналар таркибий қисмларидан қадимги ҳинд (браҳма, кхароштҳи) бактрия ёзувларининг топилиши бу диннинг шаҳарда ва ундан айниқса Шарқий Туркистон ва Хитойга қадар ёйилиши борасида муҳим маълумотларни берди. Шунингдек, қадимги хусусан Кушон подшолиги даври шаҳарларининг муҳим вазифаларидан бири уларнинг диний марказлар сифатида мавжуд

¹ Ртвеладзе Э. В. Термиз ва унинг Ўрта Осиёдаги аҳамияти // Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 10-11 бетлар.

² Чориев З, Аннаев Т, Муртозоев Б, Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-термизий. Т., Янги аср авлоди, 2008, 12-13 бетлар.

бўлганлигидир. Тармита-Термизнинг бу вазифасини тўлароқ тасаввур этмок учун, Қоратепа ва Фаёзтепа буддавий монастирларини тўлиқ таърифини келтирамиз.

Археологик маълумотларга кўра, Кушон даври Тармита-Термизнинг шимоли-ғарбий ва шимолий тарафида Қоратепа ва Фаёзтепа ўрнидаги буддавий монастирларини қурилиши кенг миқёсда олиб борилган. Ушбу обидаларни (ўз даврида монастирларни) сув билан таъминлаш мақсадида ўша вақтдаёқ акведук (осма қувур) барпо этилгани жуда ҳам эҳтимол. Бу суғориш иншооти қолдиқлари Тармита-Термизнинг шимоли-шарқий тарафида кўтарма тепаликлар кўринишида сақланиб қолган. Бу суғориш иншооти нафақат Қоратепа ва Фаёзтепа буддавийлик монастирларини балки бутун Кушон даври Тармита-Термиз аҳолисини сув билан таъминлаган.

Қоратепа буддавийлик ибодат маркази 7 гектарга яқин майдонни ишғол қилувчи тўртламчи даврга оид қумтош майдондан иборат уч қисмли тепалик ўрнида жойлашган. Археологик ишлар кўрсатишича, марказ турли даврларда бунёд этилган мустаҳкам бинолардан иборат мажмуа бўлиб, ер юзаси – ғордан иборат қилиб (Қоратепанинг ғарбий ва жанубий тепаликлари) ҳамда ер юзасига (шимолий тепалик) бунёд этилган иншоотларни ўз ичига олади.¹ Ер юзаси ғордан иборат иншоотлар тепаликлар ёнбағридан кесиб чиқарилган майдончаларга хом ғиштдан қурилган ер юзаси бинолари ҳамда қумтошдан ўйиб очилган ғорлардан иборат. Ер юзаси биноларидаги зиналар ёнбағрида жойлашган иккинчи қават ҳам бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Қоратепанинг ер юзаси–ғордан иборат иншоотларни (Б. Я. Ставиский бўйича комплекслар) тархининг ранг-баранглиги уларнинг типологияси ҳамда вазифасига оид кўплаб саволлар юзага келтирди. Айни маҳалда Қоратепа

¹ Эски Термиздаги Қоратепа буддавийлик иншоотлари мажмуига кўплаб тўплам ва мақолалар бағишланганлиги учун биз қуйидаги асосий тўпламларни келтириб ўтишни лозим топдик. Кара-тепе-буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе (Кара-тепе 1) М., Наука, 1964; Буддийские пещеры Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 2) М., Наука, 1969; Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 3) М., Наука, 1972; Новые находки Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 4) М., Наука, 1975; Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 5) М., Наука, 1982; Буддийские комплексы Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 6) М., Наука, 1996; Ставиский Б. Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. М., Наука, 1998 ва х.зо.

мажмуининг бунёд этилиши навбатини реконструкция ҳамда меъморий лойиҳа ечимларини таҳлил этиш натижасида Қоратепа бинокорлари ер юзаси – ғор иншоотлари тарҳининг икки асосий тип-“мумтоз” (классик) ва “йўлак” типидан фойдаланишгани маълум бўлди.

Т.К. Мкртычев таъкидлашича, “мумтоз” тип (Чорси ховли, марказий устун атрофидаги бўйламасида бир неча тақман – хужра бўлган айлана йўлак кўринишидаги ғор қисми) негизи Декан (Ҳиндистон) буддавий ғор иншоотларига бориб тақалади. Бироқ Қоратепа мажмуаларининг тарҳи пировард натижада ўз тимсолидан жиддий фарқ қилади. Бундай ўзгаришга сабаб бўлган бир неча жараёни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, бир вақтлар мустақил бўлган ибодатхона ва монастырларнинг ягона иншоотда бирлаштирилишидан иборат буддавий ғор меъморчилигининг умумий ривожланиш жараёни. Буддавий меъморчилик тадқиқотчилари бу жараён милоддан аввалги I асрдан бошланган деб ҳисоблашади.

Иккинчидан, Ҳиндистондан четдаги усталар ғор иншоотларини барпо этишда қўлланган конструктив сохталаштириш. Бунинг натижасида чорси зал ўрнига (устунлари бўлган вариант сифатида) марказий устунлик айланма йўлак пайдо бўлди. Бир қатор илк Қоратепа мажмуаларида ғор бинокорларини куришда йўл қўйилган хатоликлар, уларни ғор иншоотлари куришида йўл қўйилган хатоликлар уларни ғор иншоотларини куриш анъанасига эга бўлмаган маҳаллий усталар бунёд этганидан далолат беради. Қоратепадаги ер юзаки–ғор иншоотлари тарихий ечими иккинчи типининг илдизи, афтидан, келиб чиқишига кўра ғарбга бориб тақалади. Бу тип ғор бинокорларининг олд қисми гумбазли айвон тарзида безатилганлиги бежиз эмас.¹ Чунки сополдаги матнлар орасида турли кўринишда “вихара” – монастыр атамаси бир неча бор тилга олинган.² Ш. Пидяев таъкидлашича,

¹ Мкртычев Т. К. Термизда Буддизм. // Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 58 бет.

² Вертоградова В. В. Индийская эпиграфика из Кара-тепе в Старом Термезе: Проблемы датировки и интерпретации. М., Наука, 1995, стр. 5.

Тармитада буддавийликнинг асосий равақ топиш даври милодий II-IV асрларга тўғри келади.

Кушонлар даврида шаҳарда ўзига ҳос услуб ва хусусиятга эга, бой ижодий анъанага эга бўлган, афтидан, кушонлар даври Бактрия бадий маданиятининг таркиб топиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатган бадий мактаб вужудга келган. Тармита-Термизнинг буддавийлик манастирлари ва ибодатхоналари ва у ерда истиқомат этувчи роҳиблардан ташқари, шаҳар ва унинг атрофида яшовчи будда қавмига, шунингдек савдогарлар ва буддавий даъватчилар учун ҳам мўлжалланган. Тармита-Термиз будда иншоотларининг сони ва ҳажми бу динга эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил этганлигидан далолат беради. Подшо вихараси шу ерда жойлашганлиги ҳам будда иншоотлари шаҳар мафкуравий ҳаётида рол ўйнаганлигини кўрсатади.¹

Тармита-Термиз ва умуман Қоратепа манастирлар мажмуани, Фаёзтепа буддавийлик иншоотини ўрганиш жараёнида қадимги Бактрия, қадимги Ҳинд, (браҳма, кхароштҳи) номаълум ёзувлар ҳам кўплаб топилди. Кушон подшолиги даври Шимолий – ғарбий Бактрия шаҳар ва қишлоқларида қадимги ёзув намуналарининг кўплаб учраши бу давр шаҳарларини саводхонлик, ҳисоб-китоблар ва диний асарлардан кўчирмалар жадал олиб борилганлигидан гувоҳлик беради.

Тармита- Термизнинг буддавийлик ибодатхоналарини ўрганиш давомида тўпланган браҳма ва кхароштҳи ёзувларида сопол идишлар сиртига турли мазмунда хатлар битилган. Бу ёзувларнинг баъзи бирлари буддавий таълимоти ва тасаввурларини диний ҳикматлар тарзида тарғиб қилган. Ёзувларнинг яна бир қисми идиш, унинг тақдим этган шахс ва идиш эгасига бағишланган.

Фаёзтепа ва айниқса, Қоратепа ибодатхоналари мажмуидан топилган ҳинд ёзувларининг чуқур таҳлилига кўра, Тармита ва унинг атрофида Кушон

¹ Пидеев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши// Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 17-бет.

подшолиги даврида буддавийлик хинаяна таълимоти махасангхика мактаби таълимоти ва вакиллари мавжуд бўлган. Махасангхика мактаб вакиллари буддавийликка бодҳисатва (шахзода-Сидхартҳанинг ёшлиги) образини ва ступага сиғинишини киритганлар. Бу жараён шимоли-ғарбий Бақтрияда хусусан унинг бош ва марказий шаҳри Тармита-Термизда даврий жихатдан милоддан аввалги – милодий I асрлар оралиғига тўғри келади.¹

Шимолий – ғарбий Бақтриянинг Кушон подшолиги даври шаҳарлари сирасига Зартепа (Ангор воҳаси) ҳам киради. Воҳа маркази вазифасини ўтаган бу шаҳар томонлари тўғри тўртбурчакли кўринишга эга бўлиб, 400x400 метрни ташкил этади. Шаҳарнинг шимолий тарафида умумий майдони 1 гектарга тенг арки – аъло жойлашган. Бу қадимий шаҳар илк бора 1960 йилларда археолог Л. И. Альбаум томонидан рўйхатга олинган. Шаҳарда археологик қазиш ишлари 1972 йилдан қарийб 1980 йилларгача узлуксиз равишда олиб борилди. Зартепада қазув ишлари Ўзбекистон Фанлар Академияси археология институти ва Ленинграддаги СССР Фанлар Академияси археология институти(ҳозирги Санкт Петербургдаги моддий маданият тарихи институти бўлими) нинг профессор В. М. Массон бошчилигидаги Бақтрия археологик гуруҳи томонидан олиб борилди. Қазув ишларида археологлардан Ш. Пидаев, В. Завъеков, Қ. Собиров, В. Пиликова, Т. Аннаевлар фаол иштирок этганлар. Археологик тадқиқотлар туфайли шаҳарнинг мудрофаа истехкомида, шаҳарнинг арки –аълосидаги унинг сўнгги даври иншоотлари, шаҳарликлар хонадонлари ва унга туташ кўчалар, шаҳар марказида маъмурий бинолар ва шаҳар ташқарисида ступа қазиб ўрганилди. Амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари Зартепанинг, унинг милодий III-V асрлар даври ички тузилиши ҳақида фикр юритишга имкон беради. Зартепа бошқа кушон даври шаҳарлари каби икки қисмдан арки – аъло ва ички шаҳардан иборат бўлган. Шаҳар мустаҳкам ташқи девор билан ўралган бўлиб, унда ҳар 30 метр оралиқ масофада ярим айлана шаклдаги

¹ Чориев З. У, Шайдуллаев Ш. Б, Аннаев Т.Ж. ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Т, Янги аср авлоди, 2007, 53-57 бетлар.

камончиларга мўлжалланган буржлар жойлашган. Шаҳарнинг тўрт дарвозасига туташ марказий йўллар, шаҳарликлар хонадонларини ва ундаги иморатларни бир-бири билан боғлаб турган. Зартепа шаҳрининг марказида 12 та устунли маҳобатли залдан иборат маъмурий бино ва унга туташ иморатлар мавжуд бўлган. Шаҳарнинг жануби-шарқий қисмидаги кўчанинг ҳар икки томонида шаҳар зодагонларининг маҳаллалари жойлашган. Ҳар бир шаҳарлик зодагон хонадони 16-20гача турли ҳажмдаги яшаш ва хўжалик билан боғлиқ хоналардан иборат бўлиб, ўз навбатида бу хонадонлар бир-биридан йўлакчалар билан ажратиб қурилган. Шаҳарликлар ибодатхонаси Қатламатепа юқори қисми гумбаз шаклдаги ступа (ступа-санскритча сўз бўлиб, унинг талқини турличадир. Ступа-коинотнинг мужассами ва ҳ.к.) Зартепанинг шарқий қисмида жойлашган.

Ступа-буддавийлик меъморий иншооти бўлиб, буддавийлик дини Шимоли-ғарбий Бақтрияга ёйилгандан сўнг, шаҳар ибодатхоналари таркибида (Қоратепа ибодатхоналари мажмуаларидаги ступалар, Фаёзтепа таркибидаги ступа ва ступалар, Эски Термиздаги Зурмала ступаси) ёки алоҳида маҳобатли бунёд этилган (Зурмала ступаси). Ривоятларга кўра, Шимолий Ҳиндистондаги дастлабки ступалар буддавийлик динининг асосчиси будда Гаутама хоки устида бунёд этилган.

Ступа изоҳи кўплаб талқинларга сабаб бўлишига қарамасдан бу турдаги иншоотлар Шимоли-ғарбий Бақтриянинг Кушон подшолиги даври шаҳарларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган.¹

Буддавий таълимотига кўра ступа ичига турли буддавий ёдгорликлар (қўлёзмалар, нодир металллар ва ҳоказо) кўмиб юбриладиган монолит конструкцияга эга меъмориал иншоот. Будда архитектураси тадқиқотчиларининг кўрсатишича, илк ступалар тарҳи юмалоқ, цилиндрсимон бўлган гумбаз билан тугалланган. Гумбаз учида мажуз конструкция (дхармика) бўлиб, унда нимгумбазли бир неча соябон бўлган

¹ Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т., 1997, 40-41 бетлар.

устун маҳкамланган. Ступа, буддавий коинотнинг тузилиши рамзи ҳисобланади.¹

Шимоли-ғарбий Бақтриянинг Эски Термиз ёки Кушон даври Тармита-Термиздан сўнг, энг йирик шаҳри Далварзинтепа ҳисобланган. Далварзинтепада археологик тадқиқот ишлари 1967 йилдан буён узлуксиз равишда олиб борилмоқда. Кенг кўламда узок муддат давомида амалга оширилаётган тадқиқот ишлари Далварзинтепанинг шаклланиши ва тараққиёти тўғрисида сўз юритишга имкон беради.

Далварзинтепа шаҳрининг умумий майдони 36 гектарни ташкил этади. Шаҳарни ҳимоя қилиб турган мудофаа истехкомининг умумий узунлиги 2, 5 километрни, қалинлиги эса 10 метрга тенг. Мудофаа девори буржлар ва шинаклар билан мустаҳкамланган, девор ичида ҳимоячиларга мўлжалланган йўлаклар, девор тепа қисмида камончи ва палаҳмончиларга мўлжалланган майдончалар мавжуд бўлган.

Шаҳарнинг марказий бой-бадавлат шаҳар хонадонларининг уйлари хонадонларидан иборат бўлган. Бу хонадонлар йирик яшаш уйларидан кўплаб меҳмонхона ва қабул залларида, хўжаликка мўлжалланган ҳовлилардан таркиб топган. Шаҳарнинг жанубий қисми шаҳарлик хунарманд, кулол усталар маҳаллаларидан, ишлаб чиқариш устахоналари ва сопол пишириладиган хумдонлар, усталар хонадони бўлиб хизмат қилган кичик-кичик уйлардан таркиб топган. Далварзинтепада ҳам Эски Термиз ёки Тармита – Термизда бўлганидек буддавийлик ибодатхоналари бўлган ва улар ҳам шаҳар маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Далварзинтепадаги энг дастлабки буддавий ибодатхонаси шаҳардан ташқарида, унинг шарқий томонида кичик иншоот саждагоҳ шаклида бўлган. Бу ибодатхона-саждагоҳ бу иншоотни қозиш давомида топилган танганлар асосида милодий I асрнинг атрофида қурилган деган хулосага келинган. Шаҳарнинг марказий буддавий ибодатхонаси эса, нумизматика

¹ Мкртичев Т. К. Термизда Буддизм. // Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001, 59- бет.

маълумотлари асосида II-III асрлар оралиғида Далварзинтепаннг марказий кўчалари кесишган жойда бунёд этилган. Бу ибодатхонадан кўплаб будда, бодхисатваларнинг турли катталиқ ва хажмдаги ҳайкаллари топилган. Бу буддавийлик иншоотини беэаб турган будда ва бодхисатвалар ҳайкаллари билан бир қаторда бу ибодатхонада ҳукмдор, шахзода, сарой айёнлари ва бактрияликларнинг ҳайкаллари ҳам турган.

Далварзинтепа шаҳрида буддавийлик билан бир қаторда маҳаллий зардўштийлик ёки буюк Бактрия маъбудасига бағишланган диний иншоотлар ҳам мавжуд бўлган. Бу турдаги яъни буюк Бактрия маъбудасига бағишланган шаҳар ибодатхонаси унинг шимоли-ғарбий қисмида ўрин олган.

Далварзинтепа Кушон Бактриясининг Тармита-Термиз, Дилбарчин, Жигатепа, Зартепа, қолаверса Бактра, Бағром каби ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланган шаҳарлар тоифасига кирган.

Шаҳарда ҳунармандчиликнинг оммавий турларидан бири кулолчиликнинг тараққиётидан шаҳарнинг жануби-ғарбий тарафида қазиб очилган 11 та сопол идишларни пиширишга мўлжалланган ҳумдонларнинг топилиши жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, Шимоли-ғарбий Бактриянинг Кушон даври шаҳарлари ўзига хос қурилиш услубига, меъморчилигига, ҳунармандчилигига, бадий санъати ва моддий маданиятига эга бўлиб, Кушон давлатида ўзига хос ўринга эга бўлган.

1.2 Шимоли-ғарбий Бақтриянинг кушон подшолиги даври

ёдгорликларининг типологияси.

Археологик адабиётлар Бақтриянинг Кушон даври археологик ёдгорликларини типларга ажратиш илк бора Э. А. Юркевич томонидан амалга оширилган.

1970 йиллардан бошлаб Шимоли-ғарбий Бақтрия (Сурхон воҳаси)да кенг кўламда изланишлар олиб борилиш муносабати археологик ёдгорликлар шу жумладан кушон подшолиги даври археологик ёдгорликлари ҳақида маълумот тўплана борди. Тўпланган маълумотлар асосида қайси ёдгорликнинг тузилиши, умумий майдони, улардан топилган ашёвий манбалар ва археология тадқиқотлари натижаларига қараб улар турларга бўлинди ва шаҳар, қишлоқ каби типларга ажратилди.

1970 йилларда Шимоли-ғарбий Бақтрия ёдгорликлари, шу жумладан Кушон даври ёдгорликларини ўрганиш натижаларига асосан Э. В. Ртвеладзе уларни илк бор турларга ажратди.

Э. В. Ртвеладзе томонидан даставвал археология ёдгорликлари қуйидаги типларга бўлинди.

А. Ҳайитободтепа, Жондавлаттепа, Дегризтепа, Бешкопа сингари умумий майдони 5 гектардан ортиқ шаҳарлар. Бу шаҳарлар тарҳида уч қисмли тузилиши яққол сезилади. Булар алоҳида турга арки-аъло, асосий шаҳар ва унинг атрофида жойлашган шаҳар атрофи.

Б. Бир-икки гектарли кичик шаҳарчалар, уларнинг тузилишида ҳам уч қисмлилиқ кўзга ташланади.

Г. Ярим шаҳар ва ярим қишлоқ кўринишидаги Бойтепа сингари ёдгорликлар.

Д. Тоғли қишлоқлар. (Майдонқўрғон)¹.

Давр ўтиши билан ёдгорликларни типологияси ҳақида жаҳон археология фанида маълумотларнинг кўпайиши, уларнинг ижобий

¹ Ртвеладзе Э. В., Хакимов З. А. Маршрутные исследования памятников Северной Бактрии. Из истории античной культуры Узбекистана. Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. 1973. стр. 10-34.

томонларини Ўрта осие археологиясида қўллаш оқибатида қадимги ёдгорликларни типларга бўлиш ҳақида ҳам янги ёндашувлар юзага келди.

Э. В. Ртвеладзе 1974 йилда эълон қилган мақолаларининг бирида Шимоли-ғарбий Бақтриянинг ёдгорликларини типларга ажратиш масалаларига яна қайтган. Э. В. Ртвеладзе Шимоли-ғарбий Бақтриянинг қадимги давр ёдгорликларини тўрт асосий гуруҳга бўлган.

Биринчи гуруҳ. Йирик шаҳарлар, энг қадимги шаҳарларга тўғри келади.

Иккинчи гуруҳ. Ярим шаҳар, ярим қишлоқ типдаги ёдгорликлар.

Учинчи гуруҳ. Қишлоқ типдаги ёдгорликлар.

Тўртинчи гуруҳ. Тоғли қишлоқлар.

Ўз навбатида бу тўрт гуруҳдан Э. В. Ртвеладзе томонидан алоҳида типларга ажратилган. Биринчи тип. Арки – аълоли катта майдонни эгаллаган, мудофаа истехкоми билан мустаҳкамланган шаҳарлар (Эски Термиз). Иккинчи тип. Кўплаб қишлоқ ва бошқа турдаги иншоотларни ўзига қамраб олган арки-аълоли ва майдони ягона мудофаа истехкомлари билан ўраб олинмаган шаҳарлар. Учинчи тип. Биринчи вариант-ўрта катталиқдаги шаҳарлар, арки-аълоли, тарҳи тўғрибурчак ёки тўртбурчак шаклдаги мудофаа истехкомлари ва хандак-ғов билан ўраб олинган шаҳарлар. Умумий майдони 10 гектардан 30 гектаргача. Буларга Далварзинтепа, Зартепа каби шаҳарлар киради.

Иккинчи вариан. Умумий майдони 5 гектардан 10 гектаргача, шаҳарнинг бир бурчагида ёки ундан алоҳида жойлашган арки-аълоли, уларнинг тарҳи тўғри бурчак ёки кўп бурчакли кўринишда бўлиб, мустаҳкам мудофаа иншоотлари билан муҳофазаланган. Мудофаа деворлари буржлар билан мустаҳкамланган. Буларга Ҳайитободтепа, Жондавлаттепа, Бешкапа, Дегризтепа кабилар киради. Тўртинчи тип. Умумий майдони 1 гектардан 3 гектаргача бўлган шаҳарлар. Булар тарҳи кўпинча тўғритўртбурчак ёки тўғрибурчак шаклида бўлиб, арки – аъло уларнинг маълум бурчагида жойлашган. Буржлар билан муҳофазаланган истехкомлари билан ўраб олинган. Асосий қисмдан ташқарида ташқи шаҳар сингари иншоотлар мавжуд. Бу турдаги иншоотлар

Шимоли-ғарбий Бактрия худудида жуда кенг тарқалган. Буларга Оқтепа, Исмоилтепа, Карвонтушди, Боботепа, Ҳайрабодтепа кабилар киради.

Ярим шаҳар ярим қишлоқ туркумидаги ёдгорликлар. Бу турдаги иншоотлар ўзининг тузилиши, хусусиятлари билан биринчи ва учинчи турдаги иншотларга ўхшамайди. Буларнинг арки-аълоси ва мудофаа истехкомлари йўқ. Буларнинг умумий майдони бир неча гектар, баъзида 10 гектардан кўпроқ майдонни ташкил этади. Бу турдаги иншоотларга Хотинрабод, Култепа, Оқтепа ва Айритомлар киради.

Қишлоқлар. Биринчи тип. Умумий майдони 1 гектардан ошиқ қишлоқлар. Тарҳи тўғрибурчак шаклида, баъзан арки-аълоси бор. Буларга Шерабод воҳасидаги Оқтепа, Шўрчи тьуманидаги Эшонбобо ёдгорликлари киради.

Иккинчи тип. Арки-аълосиз ва мудофаа деворлари бўлмаган қишлоқлар. Уларнинг умумий майдони 1 гектар атрофида. Бу турдаги ёдгорликларнинг бирон-бир бурчагида кўшк жойлашган. Буларга Ботирободтепа, Дўмбираободтепа (Шерабод воҳаси) кабилар киради. Учинчи тип. Қишлоқ жойларидаги ҳовлилар. Улар алоҳида жойлашган бўлиб, майдони 0,2 – 0,3 гектарни ташкил этади.

Тоғли қишлоқлар. Бу турдаги иншоотлар тоғ ёнбағирлари ёки тоғли жойларда жойлашган кўпбурчакли кўринишга эга. Буларга Майдонқўрғон (Кўҳитанг тоғлари), Сина (Ҳисор тоғлари) каби ёдгорликлар киради.¹

Э. В. Ртвеладзе томонидан илк бора Шимоли-ғарбий Бактриянинг қадимги давр ёдгорликларининг типологияси кейинчалик бу борада ёдгорликларни типларга бўлиш, уларни турларга ажратиш борасида муҳим босқич бўлди.

XX асрнинг 70 йилларида Бактриянинг шаҳар маданиятини ўрганиш муносабати билан таниқли археолог олим В. М. Массон ҳам Шимоли-ғарбий Бактриянинг қадимги давр ёдгорликларини типларга бўлиш масалаларига ҳам ёндашган. В. М. Массон Ғарбий Европа ва Америка олимларининг

¹ Ртвеладзе Э. В. Разведочные изучение бактрийских памятников на юге Узбекистана//Древняя Бактрия. Л., Наука, 1974, стр. 74-85.

месопатамия ёдгорликларини типларга бўлиш натижаларига асосланиб Бактриянинг қадимги давр ёдгорликларини типларга бўлган. В. М. Массон ўзининг бу тадқиқотида асосий мезон қилиб, ёдгорликларнинг умумий майдонини олган. В. М. Массон тадқиқотларига кўра, Шимолий Бактриянинг шаҳар ва қишлоқлари ўртасидаги чегара 5 гектарни ташкил этган. Умумий майдони 5 гектардан ошiq ёдгорликлар шаҳар типига киритилган, ундан кам бўлганларини қишлоқлар ташкил этган.¹

Археолог олим Ш. Пидаев ўзининг Шимолий Бактриянинг қишлоқлари ва қишлоқ жамоасига бағишланган асарида ҳам аynи шу йўсинда ёндашган.² Э. В. Ртвеладзе, В. М. Массон, Ш. Пидаев каби археолог олимларнинг тадқиқотлари туфайли Шимоли-ғарбий Бактриянинг қадимги давр шаҳарларини типларга бўлиш, уларни шаҳарлар, шаҳарчалар, шаҳар туркумидаги қишлоқлар, қишлоқлар, диний иншоотларга ажратиш шу тариқа шаклланди ва кейинчалик бу усул Шимоли-ғарбий Бактриянинг илк темир даври ёдгорликларини таснифлашга А. С. Сағдуллаев,³ Ш. Б. Шайдуллаев⁴ томонидан қўлланилган бўлса, Тоҳаристоннинг V-VIII асрлар ёдгорликларини таснифлашда Б. А. Литвинский, В. С. Соловьёв⁵ ва Т. Аннаевлар⁶ томонидан давом эттирилди.

¹ Массон В. М. Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии//Древняя Бактрия Л., Наука, 1974, стр. 3-12.

² Пидаев Ш. Р. Поселение кушанского времени Северной Бактрии. Т., Фан, 1978. стр. 5-10

³ Сағдуллаев А. Усадьбы древней Бактрии. Т., Фан, 1987.

⁴ Шайдуллаев Ш. Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Т., Абдулла Кадири. 2000. стр. 10-20.

⁵ Литвинский Б. А., Соловьёв В. С. Средневековая культура Тохаристана. М., Наука, 1985. стр. 20-25.

Соловьёв В. С. Северный Тохаристан в раннем средневековье. Елец, 1997. стр. 10-15.

⁶ Аннаев Т. Дж. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. Т., Фан, 1988. стр. 5-10.

II ЭСКИ ТЕРМИЗ ЁДГОРЛИГИ

2.1 Термизнинг тарихий топонимикаси ва географияси.

Сурхон воҳаси тарихий топонимлари орасида қарийб 2 минг йиллик тарихга эга Термиз алоҳида ўрин тутди. Археология маълумотларига кўра, Окс (Амударё) соҳилида бир неча юз гектар майдонни эгаллаган Термиз ўрнида энг қадимги қишлоқ милоддан аввалги VI-IV асрларда пайдо бўлган. Бу борада археолог олимлар Т. Аннаев, Ш. Шайдуллаев¹, Ш. Пидаев², Ш. Раҳмонов тадқиқотлари жуда муҳимдир. Македониялик Искандар (Александр Македонский)нинг милоддан аввалги 329-327 йилларда Трансоксиания (Сирдарё ва Амударё оралиғидаги ҳудуд)ни эгаллагунига қадар мавжуд бўлган бу аҳоли манзили бир гуруҳ олимлар фикрича Тармита (Термиз) деб аталган. Тармита номининг дастлабки изоҳи XIX асрда австриялик олим В. Томашек томонидан билдирилган. В. Томашек фикрича Тармита қадимги авесточа сўз “*taro maetha*–яъни дарёнинг нариги томонидаги қишлоқ” номидан келиб чиққан. Бу ном, эҳтимолки деб таъкидлайди археолог Ш. Пидаев, бу жойга нисбатан дарёнинг нариги соҳилида истиқомат этган аҳоли томонидан берилгандир. Бу жараёни шундай изоҳлаш мумкин. Қароргоҳи Бақтр (Балх) шаҳрида бўлган аҳамонийлар даври Бақтрия сатрапи, пойтахтдан 50 км узоқликда Амударёда жойлашган кечувни қўриқлаш мақсадида бу жойда қишлоқ ва қалъага асос солган.³

Термизнинг тарихий топографияси, географиясини археологик далилларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, македониялик Искандар юришларига қадар Эски Термиз ўрнида аҳоли пункти мавжуд бўлган. Баъзи бир олимларнинг фикрича Термизга македониялик

¹□Шайдуллаев Ш, Аннаев Т. Еще два новых пункта памятников раннего железного века на территории Сурхандарьи // ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1989, 5, с. 31-34.

²□Пидаев Ш. Тармита – Термиз 1220 йилгача: шаҳарнинг келиб чиқиши ва тадрижий тараққиёти // Термиз – буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Т., Шарқ, 2001.

³□Пидаев Ш. К вопросу о локализации Александрии на Оксе // История материальной культуры Узбекистана. Т., Фан, 1992, Выпуск 26, с. 46-59.

Искандар асос солган. Бу анъана XVI аср тарихчиси Хофиз Абруда ҳам мавжуд. Бу гуруҳ олимлар македониялик Искандар милоддан аввалги 329-327 йилларда Окс (Амударё) дан кечиб ўтаётган чоғида Тармита (Термиз) нинг аҳоли яшаган қисмини мустаҳкам қалъа—шаҳарга айлантиради. Шундан сўнг бу шаҳар Окс бўйи (соҳилида) ги Искандария ёки Оксдаги Искандария—Окс Искандарияси деб номланади. Айни шу даврдан бошлаб, ҳарбий жиҳатдан муҳим жой, яъни Пайғамбар ороли (VIII асрдан бу орол Усмон ороли яъни Жазирати Усмон деб юритила бошланган. Оролнинг бундай номланиши араб лашкарбошиси Усмон номи билан боғлиқ бўлиб, Термизни эгаллаган Мусо ибн Абдуллоҳ қўшинларига Хуросон ноиби томонидан Усмон бошчилигида юборилган араб қўшинлари бу оролга жойлаштирилган бўлган. Шу боис кўп асрлар давомида орол Усмон ороли деб юритилган)¹ орқали кечув, Бақтр (Балх) ва Мароқанд (Самарқанд) савдо йўлида жойлашган бу шаҳар Ўрта Осиё ўлкалари иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллай бошлаган.

Милоднинг VI–VII асрларида Термизда ҳукмрон бўлган термизшоҳлар тангаларидаги рамзий белги қайиқ лангари ҳисобланган. IX асрдан бошлаб ёзма манбаларда Термиз Мовароуннахрнинг йирик порт шаҳри сифатида таърифланади. Шу боис тарихчи–археолог А. Муҳаммаджонов Термиз номини “дарё ёқасида жойлашган қалъа”, янада тўғрироғи “дарё соҳилидаги шаҳар” деб изоҳлаганлар.

Тарихий адабиётларда мавжуд Термизга македониялик Искандар асос солганлиги ҳақидаги анъана эллинизм даври тарихчиси сицилиялик Диодор (90-21 йиллар) маълумотларига асосланади. Диодорнинг тарихий кутубхона асарида тилга олинган Окс бўйидаги Искандария ёки

¹ □ Пидоев Ш. Р. Термизшоҳ фожеси. Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т., 2001, 23-27 бетлар.

Оксдаги Искандария шаҳрини илк бор инглиз олими В. В. Тарн Эски Термиз ўрнида жойлаштирган эди.

Кўп йиллар давомида Эски Термиз ёдгорлигида қазув ишлари олиб бораётган археолог олим Ш. Пидаев айтиши В. В. Тарн фикрини қўллаб қувватлайди ва бу муаммони ўзининг бир қанча мақолаларида ёритган.¹

Милодий VII асрда Равеннада тузилган “Певтингиер таблицалари” да Антиохия Тармита шаҳри ҳам тилга олинган. В. В. Тарн таъкидлашича, Окс соҳилидаги Искандария шаҳри кўчманчи қабилалар (юнон анъаналарида варварлар) томонидан вайрон этилган ва қайта тикланган бу шаҳар ҳукмдор шарафига Оксдаги Антиохия деб номланган. В. В. Тарн фикрича, бу ҳодиса милоддан аввалги 293-290 йилларда содир бўлган.

Таниқли археолог олим М. Е. Массон 1936-1938 йилларда Эски Термиз ҳудудида тадқиқотлар олиб борган Термиз археологик комплекс экспедициясининг натижаларига асосланиб, Термизни Тибет буддавий манбаларида тилга олинган Дармамитра шаҳри билан таққослаган. В. В. Тарн, М. Е. Массон фикрича, Дармамитра Юнон-Бақтрия давлати подшоси Деметрий номининг санскритча талаффузи бўлиб, ўз навбатида бу номдан замонавий Термиз атамаси юзага келган.²

Археолог олим Ш. Пидаев Термиз номининг келиб чиқишини Юнон-Бақтрия подшоси Деметрий номи билан боғлашни асоссиз эканлигини куйидаги ашёвий ва ёзма манбаларга асосланиб рад этади:

Биринчидан Эски Термиз маданий қатламларида Юнон-Бақтрия подшоси Деметрий номидан зарб этилган тангалардан бошқа ундан олдинги ҳукмдорлар тангаларининг мавжудлиги бу шаҳарни подшо

¹□Пидаев Ш. К вопросу о локализации Александрии на Оксе // История материальной культуры Узбекистана. Т., Фан, 1992, Выпуск 26, с. 46-59.

²□Массон М. Е. Работы Термезской археологической комплексной экспедиции (ТАКЭ) в 1937 и 1938 гг. // Труды Термезской археологической комплексной экспедиции. Т II, Т., 1945, с. 4.

Деметрий хукмронлигидан олдинги асрларда пайдо бўлганлигини кўрсатади;

Иккинчидан “Певтингер харитаси (таблицаси)”да Антиохия Тармита номининг тилга олинishi;

Учинчидан Термизга Юнон-Бақтрия подшоси Деметрий асос солган тақдирда, бу шаҳар антик давр манбаларида Деметриас номида юнонча юритилган бўлур эди;¹

Ш. Р. Пидаев ўз фикрларига тасдиқ сифатида Эски Термиздаги Қоратепа буддавийлик ибодатхоналари мажмуидаги “Б” иншоотида девор бетига ёзилган ёзувни келтиради.² Таниқли тилшунос олим В. Б. Хеннинг фикрича бу ёзув Антиохия номини билдиради. Бу ёзув IV аср билан саналанган. Ш. Пидаев таъкидлашича бу даврда шаҳар Тармита деб аталган бўлса ҳам, унинг қадимги номи Антиохия сақланиб қолган. Термизнинг милоддан аввалги VI-IV, милодий V асрлар тарихий топографияси ҳақида археология ва ёзма манбаларга кўра қуйидаги фикрларни баён этиш мумкин.

1. Милоддан аввалги VI-IV асрлар. Эски Термиз ва унинг атрофида дастлабки қишлоқларга асос солиниши. Бу жараён Ш. Пидаев, Т. Аннаев, Ш. Шайдуллаев, Ш. Раҳмоновлар тадқиқотлари туфайли ўз исботини топган.
2. Термиз ҳудуди македониялик Искандар, унинг ворислари Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшоликлари даврида асосан Эски Термизнинг қалъа қисмини эгаллаб, умумий майдони тахминан 8-10 гектарни ташкил этган.³

¹□ Пидаев Ш. К вопросу о локализации Александрии на Оксе // История материальной культуры Узбекистана. Т., Фан, 1992, Выпуск 26, с. 54.

²□ Луконин В. Г. Среднеперсидская надпись из Кара-тепе // Буддийские пещеры Кара-тепе в Старом Термезе. М., Наука, 1969, с. 40-46.

³□ Пидаев Ш. Р. Стратиграфия городища Старого Термеза в свете новых раскопок // Городская культура Бактрии – Тохаристана и Согда. Т., Фан, 1987, с. 87-97.

Кушон подшолиги даврида (милоддан аввалги I милодий III асрлар) топографияси кескин ўзгаради. Шаҳар кенгаяди ва унинг таркибида кўплаб иншоотлар, шу жумладан буддавийлик ибодатхоналари мажмуи юзага келади. Эски Термизнинг ана шундай ибодатхоналаридан бири Қоратепа ўрнида мавжуд бўлган. Узоқ йиллар давомида Қоратепа ибодатхоналари мажмуида қазув ишларини олиб борган Б. Я. Ставиский Қоратепа номини узоқдан ғорлари туфайли қорайиб турганлиги учун аҳоли Қоратепа деб номлаган тарзда шарҳлаган. Қадимги туркий тилда “Қора–улкан, йирик” маъноларини англатади. Дарҳақиқат Қоратепа ёдгорлиги Эски Термиз обидалари мажмуидаги энг йирик ҳисобланади. Қоратепа эса қадимда унинг ҳудудидан топилган ёзувларга кўра, “подшо ибодатхонаси” ёки “Канишка ибодатхонаси” ҳам деб аталган.¹

V–VIII асрларда Термиз алоҳида Термизшоҳлар идора этган мулклик пойтахти. Тарихий манбаларда, хусусан хитой манбаларида, Сюань Цзан (630 йил), Хой Чао (729 йил) бу шаҳар Та-ми (Ta-mi) дейилган.² Хитой манбаларида Термизнинг Та-ми (Ta-mi) шаклида тилга олинишига кўра айтиш мумкинки, V–VII асрларда маҳаллий аҳоли шаҳарни Тармита деб атаган.

IX–XII асрларда Термиз номини, бу шаҳарнинг тузилиши, таркибий қисмлари ва унинг атрофида жойлашган аҳоли манзилларини ўрганишда XII аср муаллифи Абу Саад Абдалкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг “Китоб ал-Ансаб” асари жуда муҳимдир.

Абу Саад Абдалкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1163-1167) Ўрта Осиёнинг XII аср машҳур олими, тарихчиси, филологи ва

¹□ Чориев З, Шайдуллаев Ш, Аннаев Т. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Т., Янги аср авлоди, 2006, 53 бет.

²□ Пугаченкова Г. А, Ртвеладзе Э В. Северная Бактрия – Тохаристана. Т., Фан, 1990, с. 123.

ҳуқуқшуноси ҳисобланади. Ас-Самъоний асрлар давомида машҳур ва маълум бўлган Марвнинг олимлар авлодидан бўлиб, бу оила ўз даврида мусулмон дунёсида тенги йўқ Марвдаги ўн кутубхонадан иккитасининг эгаси бўлган. Оилавий анъанага кўра, Абу Саад ас-Самъоний узоқ йиллар давомида Ўрта Осиё, шунингдек Ўрта ва Яқин Шарқ шаҳарларига саёҳат қилган. Хусусан бу олим саккиз йил давомида Бағдодда яшаб, бу шаҳарда XI асрнинг таниқли тарихчиси Абу Бакр ал-Хатиб томонидан бошланган “Бағдод тарихининг давоми” асарини ёзган. Ас-Самъоний йиллар давом этган саёҳатдан қайтиб она шаҳри Марвда яшайди, тўпланган манбалар ва асарлар устида ишлайди. Манбаларга кўра, ас-Самъоний томонидан тарих, ҳуқуқшунослик, филология, география каби фанларнинг турли йўналишларга бағишланган 50 дан ортиқ асар яратилган. Ас-Самъоний томонидан давримизгача етиб келган асарлардан энг муҳими “Китоб ал-ансаб” (“Исмлар генеалогияси китоби”) ҳисобланади.¹

Ас-Самъонийнинг бу асари нисбалар луғати яъни бир шаҳар, қишлоқ, маҳалла номи билан боғлиқ шахслар исми тарихи асаридир.

“Китоб ал-Ансаб” маълумотлари жуда катта ҳудудни жумладан Испаниядан Хитойга қадар ҳудудни, даврий жиҳатдан эса қадимги замонлардан муаллиф яшаган асрни қамраб олади.

Ас-Самъоний ўзининг 1155–1156 йиллар давомида Мовароуннаҳр бўйлаб саёҳати давомида Самарқанд ва Бухоро олимларидан илм ўрганган, икки ой давомида Насаф (ҳозирги Қарши воҳаси ҳудуди) да яшаган, 14 кун Хоразмда ва 12 кун Термизда бўлган. Мовароуннаҳр бўйлаб саёҳати давомида ас-Самъоний яна кўплаб шаҳар,

¹ Ш. Камалиддинов таъкидлашича, давримизгача муаллиф асаридан олтига қўлёзма сақланиб қолган. Булар Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург), Лондон, Истамбул, Хайрабод, Дамашк кутубхоналарида сақланади. Бу ҳақда қаранг: Камалиддинов Ш. С. Самани и его сведения о Термезе// Краеведение Сурхандаръи. Т., Узбекистан, 1989, с. 113.

қишлоқларда ва савдо йўлларида жойлашган карвонсаройларда бўлган. Шу боис муаллиф кўпгина ҳолатларда у ёки бу шаҳар ёки аҳоли манзилини аниқ жойлашган жойини, бу аҳоли манзили билан боғлиқ тарихий воқеаларни баён этган. Ас–Самъоний ўз даврида Мовароуннахрнинг 526 аҳоли манзили ҳақида маълумот келтирган. Булардан 192 таси Бухоро вилояти, 178 таси Фарғона водийси, 82 таси Насаф ва Кеш ва 18 таси Термиз, Чағониён, Хатлон (Хутталон) ва Уструшона билан боғлиқдир.¹ “Китоб ал-ансаб” асари бутун Ўрта Осиё тарихий географияси ва топографиясини ҳам ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Ас–Самъоний Ўрта Осиёнинг 900 географик (аҳоли) манзили ҳақида маълумотлар келтирган.

Хусусан, “Китоб ал–Ансаб” да Ўрта Осиёнинг 69 та шаҳари, 665 қишлоғи, 34 та маъмурий вилояти ва тумани, 40 та шаҳар маҳалласи, 36 та кўчаси, 12 работи, 12 масжиди, 8 бозори, 8 дарвозаси, 7 қалъаси ва ҳ. к. ҳақида ҳам билиб олиш мумкин.

Ас–Самъоний Ўрта Осиёнинг географик таърифида қуйидаги географик атама (номлар)га риоя қилади: Шаҳар–мадина; шаҳарча–балда, булайда; пойтахт–мадина, касба; қалъа, ҳисн, ҳисор; маҳалла; дарб, руб, қитъа; кўча–сикка, қуй; дарвоза–боб, дарб, дарвоза ва ҳ. к.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ас–Самъоний Термиз шаҳрида 12 кун бўлган. Ас–Самъоний сўзига қараганда асарларда шаҳар номи Тирмиз шаклида, баъзан Турмиз деб ёзилган. Муаллиф таъкидлашича маҳаллий аҳоли ўз шаҳрини Тармиз шаклида талаффуз этган. Шаҳар номининг айна шундай талаффузи XIX асрга қадар маҳаллий орасида сақланиб қолган.

XI–XII асрлар арабонавис муаллифлари шаҳарнинг тузилиши, унинг айрим иншоотлари тўғрисида маълумотлар берадилар. Истаҳрийга

¹□ Камалиддинов Ш. С. Самани и его сведения о Термезе // Краеведение Сурхандарьи. Т., Узбекистан, 1989, с. 113-114.

кўра, шаҳар куҳандизи (арки аълоси) ва рабоди (ташқи қисми) девор билан ўралган, жоме масжиди ва турма мадина (ички шаҳар) бозорининг ўртасида, маҳалла масжидлари эса рабодда ҳам бўлган. Шаҳар бозори ва кўчаларининг катта қисмига пишиқ ғишт ётқизилган бўлган. Муқаддасийга кўра, шаҳар ҳудудига сув икки томондан оқиб келган. Шаҳар куҳандизи (қалъаси)да жоме масжиди жойлашган, шаҳар арки– аълоси ундан ташқи тарафда ўринлаган. “Худуд ул–Олам” маълумот беришича, Термизнинг арки аълоси дарё ёқалаб жойлашган бўлиб, шаҳарнинг ўзи эса Хатлон ва Чағониённинг савдо маркази бўлган. Ибн Хавқалнинг таъкидлашича, Термизда катта фойда келтирадиган йирик (работ-карвонсарой, мусофирхона) лар бўлган.

Самъоний Термиз вилоятида Балх ўлкаси билан чегарадош Сарминжон ёки Жарминкон ноҳиясини айтиб ўтади. Ёқут унинг форсийдаги Сармингон номини келтириб, таъкидлаб ўтадики, бу қишлоқ Термиз мавзеларидан бири бўлган, аммо Балхга қараган. Ибн Хавқал бу мавзени Сарманжи деб атайти, “Худуд ул–Олам” да – Чарманган.

Жарминкон–Чарманган номини тарихчи ва тарихчи–топонимист олимлар–“Сой бўйида жойлашган қалъа” деб изоҳлайдилар.

Термиз вилоятида ас–Самъоний учта қишлоқни тилга олади. Булар шаҳардан 6 фарсах узоқликдаги Буғ, Рухшабуз ёки ал–Ёқутга кўра Рухшайуд ва Шайшак. Шайшак манзили бошқа тарихий манбаларда тилга олинмайди ва шу боис ас–Самъоний маълумотлари жуда муҳимдир.¹

1220 йилнинг кузида Термиз шаҳри ўз аҳолисининг қаҳрамонона қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамасдан Чингизхон бошчилигидаги мўғул кўшинлари томонидан забт этилган. Чингизхон бошчилигидаги мўғул кўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги учун бу шаҳарга тарихий

¹□ Камолиддинов Ш. С. «Китаб ал-Ансаб Абу Сада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Т., Фан, 1993, с. 55-56.»

манбаларда “мадина т-ул-рижол” яъни “мардлар шаҳри” ибораси қўлланилган. Шунингдек Термизда зарб этилган тангаларда ҳам ушбу нисба қўлланилган.

Шаҳар топографиясига эътибор берилса, бу борада XIV аср араб муаллифи ибн Баттутанинг Термиз ҳақидаги маълумотлари жуда муҳимдир. 1333 йилда Термизга ташриф буюрган ибн Баттута ўз саёҳатномасида “Эски Термиз шаҳри Жайхун бўйида барпо этилган эди. Чингизхон бу шаҳарни вайрон этгандан сўнг янги шаҳарни икки чақирим нарида қуришган. Бу шаҳарда гавжум бозорлар ва муҳташам иморатлар бўлиб, уни кўплаб анҳорлар кесиб ўтади, унда боғ-роғлар мўл”

Шарафиддин Али Яздий Янги Термиз билан бир қаторда Эски Термизни ҳам тилга олади.¹ Темур ва Темурийлар даври шаҳри ҳам айнан шимолда Каттақум ва шарқда Салавот қишлоқларига туташ бўлган. 1404 йилда бу шаҳарга ташриф буюрган испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо “Қундалиги” да бу шаҳар “Тармит” дейилган. “Термиз (Тармит) жуда кенг ва аҳолиси зич жойлашган, унда ташқи девор ва мудофаа истехкомлари йўқ. Атрофида боғ-роғ, шаҳарни кўплаб анҳорлар кесиб ўтади. Биз доимо хилма-хил моллар сотиладиган гавжум кўчалар ва майдонлардан ўтиб бордик”

Маҳмуд ибн Валининг 1634–1641 йилларда яратилган “Сирлар денгизи” (“Баҳр ал-асрор”) асарида “Термизнинг тарихий жойлари кўп. Унинг муҳим бир қисмини ҳукмдор қароргоҳи, бозор, мадраса ва ҳашаматли жума масжиди бор Салавот ташкил этади”

Маҳмуд ибн Валининг асарида бу давр Термизи тўғрисида яна кўплаб маълумотлар мавжуд. Бу авваламбор, Термизлик илм-фан ва илоҳиёт намоёндалари ҳақидаги маълумотлардир. Муаллиф ал-Ҳаким ат-

¹□ Аннаев Т, Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1997, 82 бет.

Термизий, шайх Абу Бакр Варроқ, шайх Бурҳониддин Термизий ва Термиз саййидлари тўғрисида маълумот ёзиб қолдирган. Асарда ал-Ҳаким ат-Термизийнинг иқтидорли шогирдларидан бири Абу Бакр Умар ал-Варроқ Термизий қабрлари ҳақида тўхталиб, “шайх Абу Бакр Умар ал-Варроқ мақбараси шаҳар мудофаа деворининг шимолий тарафида шуъла таратиб турганлиги” ҳам таъкидланган.

Айтишларича, деб таъкидлайди Маъмуд ибн Вали, Жайхун бўйида Гунбод қалъаси ёнида пайғамбар Зул-Кифл ва Исҳоқ ибн Кундашикен қабрлари жойлашган. Бу жойни Ҳазрати Хизр ва хўжа ал-Ҳаким ат-Термизий суҳбат қурадиган манзил ҳам дейилади.

Маҳмуд ибн Вали асарида Термизнинг муҳим бир қисмини айнан Салавот тарзида учраши бу жойни Солиобод шаклида ва Соли деган шахс томонидан обод этилганлигини каби халқ этимологиясини батамом рад этади.

XIX асрнинг охиридан 1927 йилга қадар Термиз номи ўрнида Паттакесар атамаси қўлланилган. Паттакесар номини М. Е. Массон Амударёдаги қайиқчилар хизмат ҳақиға бериладиган патта (чек) билан боғлаш. XIX аср рус ҳарбийлари томонидан ёзилган ҳисоботларнинг бирида Амударёдаги кечувлардан бири “Паттакесар” деб номланган.

1928 йилдан Термизнинг тарихий номи қайтадан тикланиб, шаҳар яна қадимий номи билан атала бошланган.

2.2 Қадимий Термиз- илм ва маданият маркази

Қадимий Турон тарихини ва бу минтақа халқларининг маданий тараққиётини Термиз шаҳрининг тарихи ҳамда осори атиқаларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу қадимий шаҳар ўз тараққиёти босқичида бир текисда ривожланмади, балки босқин, талон-торож ва ўзаро низолар майдонига айланди. Аммо шунга қарамасдан неча минг йиллар давомида ташқи душманга қарши мардона курашган ушбу шаҳар аҳолиси ўз ор-номусини сақлаб қолди.

Ўрта Осиёнинг азим дарёси Амударё соҳилида бир неча юз гектар майдонда ястаниб ётган Термиз ўрнидаги энг қадимги қишлоққа милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўртасида, яъни давримиздан икки ярим минг йил муқаддам асос солинган. Македониялик Искандар (Александр Македонский, 356-323) милоддан аввалги 329-327 йилларда Трансоксиания (Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудуд)ни эгаллаш давомида даставвал Тармита (Термиз)нинг аҳоли яшаган қисмини мустаҳкам қалъа-шаҳарга айлантиради. Шундан сўнг бу шаҳар Окс бўйи (соҳили)даги Искандария ёки Оксдаги Искандария–Окс Искандарияси деб номланади. Айни шу даврдан бошлаб ҳарбий жиҳатдан муҳим жой, яъни Пайғамбар ороли орқали кечув, Бақтр (Балх) ва Мароқанд (Самарқанд) савдо йўлида жойлашган бу шаҳар Ўрта Осиё ўлкалари иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллай бошлаган.

Термиз илк шаклланган давридаёқ бандар-порт шаҳри вазифасини ўтаган ва асрлар давомида шаҳарнинг худди шу хил тизими муайян равишда раванқ топиб, юксалиб боради. Милоднинг VI-VII асрларида Термизда ҳукмрон бўлган термизшоҳлар тангаларидаги рамзий белги қайиқ лангари ҳисобланган. IX аср ёзма манбаларида Термиз Мовароуннаҳрнинг йирик порт шаҳри сифатида таърифланади. Шу боис баъзи бир тарихчилар Термиз номини “дарё ёқасида жойлашган қалъа”, янада тўғрироғи “дарё соҳилидаги шаҳар” деб изоҳлаганлар. Термиз атамасига келсак, шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида тарихчи, археолог ва тилшунос олимлар ўртасида

ханузгача ягона фикр йўқ. Бир гуруҳ тадқиқотчилар Термизга македониялик Искандар (Александр Македонский) асос солган деб ҳисоблайдилар. Бу анъана эллинизм даври тарихчиси сицилиялик Диодор (90–21 йиллар) маълумотларига асосланган. Диодорнинг “Тарихий кутубхона” (бу асар кўпинча “Кутубхона” номида юритилади) асарида тилга олинган Окс бўйидаги Искандария ёки Оксдаги Искандария шаҳрини илк бор инглиз олими В.В. Тарн Эски Термиз ўрнида жойлаштирган эди. Кўп йиллар давомида Эски Термиз ёдгорлигида қазув ишлари олиб бораётган археолог олим Ш. Пидаев айтиши В.В. Тарн фикрини қўллаб-қувватлайди. Европалик археологлар Ф.Грэнне ва К.Рапэнлар ҳам миладий I–II асрлар оралиғида яшаб ўтган таниқли географ олим Клавдий Птоломей (90–160) томонидан тузилган харитани қайта таҳлил этиб, айнан шу фикрга келдилар. Шаҳар яна Юнон подшоҳларидан Евкратид (баъзан Эвкратид, 167–155) шарафига Евкратидия ҳам деб аталган экан, аммо бу борада айрим баҳсу–мунозарлар мавжуд. Чунончи, тарихчи олимлардан В.В. Тарн ва К. В. Тревер Евкратидияни Эски Термиз ўрнида қўришса, австриялик олим В. Томашек эса шаҳарни Окснинг чап соҳили (Тошқўрғон, Қундуздарё ёки Хулм)дан ахтаради. Бу хил баҳсу–мунозаралар Антиохия Тармитаси номига ҳам дахлдор, гўё Антиох (Салавкнинг ўғли) харобага айланган шаҳарни 295–293 йиллар қайта тиклайди. Шундан шаҳарга шоҳ Антиох номи берилади, шаҳар Антиохия Тармитаси (баъзан Окс Антиохияси) деб номланади, ўтмишда шаҳарлар одатан Худолар, қавмлар ёки шоҳлар номи билан аталган. Қизилғи ҳар бир янги ҳукмрон ўзининг тасарруфидаги шаҳарларни ўз исмларининг номи билан аталишини хуш кўрган ва бу ғалати анъана баъзи мустасно ҳолатларни ҳисобга олмаганда, айтирлик узлуксиз давом этган. Кўринадики, бу хил ҳолат кўҳна шаҳримиз Термизнинг ҳам азал қисматида битилган ва мозий ҳукмига ҳавола этилган тарихий ёрлиқ эканлиги аён бўлади. Яна бир томони шундаки, В.В. Тарн ўз талқинларига ва илмий фаразларига содиқ қолган ҳолда Антиохия Тармитасини ҳам мутлақ, шубҳасиз, худди Эски Термиз ўрнида жойлаштирди.

Таниқли археолог М.Е. Массоннинг фикрига кўра, Термизга Юнон-Бақтрия подшоси Деметрий (тахминан Юнон-Бақтрия тахтини милоддан аввалги 199-167 йилларда идора этган) асос солган. Биламизки, подшо Деметрий ва Евкратид 169–167 йиллар оралиғида ўзаро тахт учун кураш олиб борадилар, ушбу кураш иккинчи томон фойдасига ҳал бўлади. Ўз навбатида Термиз ёки Тармита атамаси М.Е. Массон фикрича, подшо Деметрий номининг Деметрий-Деметриата-Дармита тарзида ўзгартирилиб талаффуз этиш туфайли Тармита–Тармит–Термиз ҳосил бўлган. Эски Термиз ҳудудида амалга оширилган археологик тадқиқотлардан маълумки, бу шаҳар Юнон-Бақтрия давлати ҳукмдори Деметрий ҳукмронлигига қадар ҳам мавжуд эди.

Бу шаҳарнинг илк бора ёзма манбада тилга олинишини тарихчи олимлардан К.Рапэн, Э.Бо, Ф.Грене, Ш.Раҳмоновлар милоддан аввалги 329 йилга оид деб таъкидлайдилар. Антик давр муаллифларидан бири Мец «Эпитомея»си (лавҳа шаклидаги асари) да Бессни таъқиб этган Искандар «мидийлар дарёси» соҳилида жойлашган «Тармантис» шаҳригача етиб борганлигини ҳикоя қилади (бу асарда Окс-Амударё Аракс дарёси билан чалкаштириб юборилган). Тилшунос П.Лурьенинг кўрсатишича, Тармантис аслида Термизнинг юнонча талаффузидир. Квинт Курций Руф (милоднинг I асри) ёзади: “Бақтрия бўйлаб дарёлар оқади, улар Оксга қуйилади: Ох, Даргамон, Зариасп, Артамис, Даргит дарёлари”, булар қадимий Окс ўзанларининг бохтарча номлари бўлса, не ажаб! Кушон подшолиги даври (милоддан аввалги I ва милодий III асрлар)да шаҳар тарихий манбаларда Тармита деб юритилган. Тармита (Термиз) бу даврда 300 гектардан ортиқ майдонни ишғол этиб, Амударё ёқалаб жойлашган қалъа ва унга туташ ички шаҳар, Пайғамбар ороли орқали ўтган кечувни муҳофаза қилиб турган Чингизтепа ўрнидаги мустаҳкам иншоотдан таркиб топган. Чингизтепадан ғарбда Амударё ёқалаб шаҳарликларнинг уй–жойлари, шаҳар қабристонни, асосий шаҳардан шимоли-ғарбий, шимолий ва шарқий тарафларда Қоратепа, Фаёзтепа ва Зўрмола ёдгорликлари ўрнидаги буддавийлик

ибодатхоналари, шаҳар аҳлини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида барпо этилган боғу-роғлар ва экинзорлар жойлашган. Кушон подшолиги даврида Тармита (Термиз) да савдо–сотик, айниқса халқаро савдо ривожланди. Бу қадимий шаҳарда хунармандчиликнинг кулолчилик, темирчилик, сангтарошлик каби турлари раванқ топган.

Термиз Кушон подшолиги даврида Бактриянинг (бу ўлка таркибига Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ерлари кирган) йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказларидан бирига айланади. Тармита (Термиз)да милодий I асрдан бошлаб дунё динларидан бири-буддавийлик билан боғлиқ ибодатхоналар бунёд этилди.

Буддавийлик Шимолий Ҳиндистондан Гандҳара ўлкаси, ундан сўнг Ҳиндикуш (Паропамис) тоғлари оша Балх (Бактр) орқали Термизга кириб келади. Термизда милодий I асрдан асос солинган ибодатхона бу Фаёзтепа ўрнидаги буддавийлик ибодатхонаси ҳисобланади. Милодий I-II асрларда Тармита (Термиз) ва унинг атрофида яна бир қанча буддавийлик ибодатхоналари қад ростлайди. Буларнинг энг йириги Қоратепа ўрнида мавжуд бўлган ернинг остки ва устки қисмларида бунёд этилган буддавийлик ибодатхоналари мажмуасидир. Қоратепа ўрнидаги буддавийлик ибодатхонаси Кушон подшоси Канишка давлатни идора этган саналар (милодий II асрнинг иккинчи ярми) да тўлиқ шаклланиб “Подшоҳ ибодатхонаси” деб ҳам аталган.

Кушон давлати подшоси Канишка ҳукмронлигида Термиз Ўрта Осиёда буддавийлик динининг асосий марказига айланади ва бир неча асрлар давомида буддавийликни Окуз (Амударё) бўйлаб Марғиёна (Жанубий Туркманистондаги Мурғоб дарёси ҳавзасидаги қадимий ўлка)га, Бойсунтоғдаги “Темир дарвоза” орқали Сўғдга, ундан сўнг Фарғона ва Еттисув ўлкасига, Шарқий Туркистон, Хитой ва Тибетга қадар илк бора ёйилишида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Бутун Бактрия-Тоҳаристон (Бактрия ўлкаси милодий 383 йилдан эътиборан тарихий манбаларда

Тоҳаристон деб юритила бошлаган) Будда даъватчилари сингари Термизда туғилиб вояга етган буддавий роҳиб (коҳин)лар ҳам ушбу динни Хитой-Тибетга қадар тарқалишида беқиёс жонбозлик кўрсатганлар. Ана шундай будда даъватчиларидан бири тармита (термиз)лик Дхармамित्रа бўлиб, у буддавийлик таълимотини Тибетга қадар ёйилишида алоҳида ўрин тутди. Дхармамитранинг буддавий асарларни Хитой тилига таржима қилишда, уларни шарҳлашда ҳамда бу динни тарғиб ва ташвиқ қилишда хизматлари бениҳоя улкандир. Термиз орқали Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий ҳудуди (Марғиёна)га, Сўғд ва ундан сўнг Етисувга, Шарқий Туркистон (Дўғи Туркистон)га, Хитой-Тибетга қадар қадимги ҳинд ёзувлари, буддавийлик санъати ва меъморчилиги ҳам етиб боради ва тарқалади. Бетакрор қурилиш услубларида бунёд этилган Фаёзтепа, Қоратепа ибодатхоналари, бу меъморий иншоотларни тадқиқ этиш жараёнида тўпланган ранг-баранг ҳайкалтарошлик, рангтасвир санъати, сопол идиш сиртига битилган юзлаб қадимги ҳинд ёзуви намуналари Шарқий Туркистон, Хитой ва Тибет буддавийлик маданиятидан уч аср муқаддам яратилгандир. Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу-Машрикни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо қарвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар – зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқроқ бўламиз”¹

Термизнинг VII-VIII асрлар даври маданий ҳаётига назар солсак, бу даврдаги шаҳар ҳаёти тўғрисида Хитой ёзма манбалари кенг ва бой маълумотларни беради. Хитойлик буддавий коҳин-сайёҳлар Сюань Цзян (милодий 630 йил) ҳамда Хой Чао (милодий 729 йил) Та-ми (Термиз)ни таърифлаб, шаҳар деворининг узунлиги 20 ли (1 ли 0,2–0,5 км)га тенглиги, шаҳарда 12 та буддавийлик ибодатхонаси ва уларда мингга яқин буддавий роҳиблар борлиги тўғрисида ёзиб қолдирганлар.

¹ Каримов И. А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар // Ма’рифат. 2002 йил, 3 апрель.

VII асрнинг тўртинчи чорагидан бошлаб Термиз ва унинг атрофи араб кўшинлари томонидан эгаллана бошланган. Оқибатда VII асрнинг охиридан Термизда Ислом маданияти асосларининг илк куртаклари шаклланиши учун муҳит юзага келади. Тарихий манбаларда Термизга нисбатан “Термиз Пайғамбар авлодлари-саййидлар, саҳобалар, авлиёлар яшаган Мовароуннаҳрнинг машҳур шаҳарларидандир” иборасининг қўлланилиши Ислом дунёсида ал-Ҳаким ат-Термизий ёки Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий каби машҳур зотларнинг айнан Термиздан етишиб чиққанлиги, бу шаҳар аҳлининг Араб халифалиги маданиятидан Мовароуннаҳрнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири-Бухоро билан бир вақтда баҳраманд бўлганлиги натижаси деб изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб, ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуд топган давр бу бир томондан чуқур илдизга эга қадимий анъаналарнинг сақланиб ханузгача давом этиб келадиган жараёни бўлса, иккинчидан Термиз ва унинг атрофида VII аср охиридан, аниқроғи 690 йилдан бошлаб мазмунан янги, яъни илк Ислом маданияти шакллана бошлаган давр эди. Бу жараён даставвал араб тили ва ёзувининг, шунингдек, бутун Мовароуннаҳрда бўлганидек Термиз ва унинг атрофида Ислом динининг маҳаллий аҳоли қатламлари орасига ёйилиши жараёни эди.

2.3 Термизнинг ўрта асрлар даври тарихининг ўрганилиши

XX асрнинг 20-йилларигача Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлар даври тарихи ва маданиятини шарҳлашда асосий манба бўлиб академик В.В.Бартольднинг асарлари ҳисобланар эди. Унинг араб-форс манбаларини чуқур ўрганиш асосида яратилган "Туркистон мўғуллар босқини даврида" номли асарида Термиз ва Чағониён ўлкалари ва уларда мавжуд қишлоқ ва шаҳарлар тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлар даври моддий маданиятини ўрганиш 1926 -1928 йилларда Эски Термиздаги термизшоҳлар саройида археологик қазишмалар ўтказиш билан бошланган.

1936-1938 йилларда Термизнинг ўрта асрлар даври мудофаа истехкомларида, темирчилар маҳалласида ва шаҳар ташқарисида жойлашган иншоотларда кенг кўламда қазишма ишлари амалга оширилди. Айниқса, Эски Термизда термизшоҳлар саройининг тўлиқ ўрганилиши таҳсинга лойиқ. Бу манбалар ва тарихий маълумотлар асосида Термиз шаҳрининг ўрта асрлар даври тарихий топографияси ишлаб чиқилди. Термизнинг шу давр тарихи ва ундаги обидалар баёни М.Е.Массон раҳбарлигида яратилган "Термиз археологик комплекс экспедициясининг тўпламлари"да ўз аксини топган. 1969 йилдан бошлаб Санъатшунослик экспедициясининг Э.В.Ртвеладзе раҳбарлигидаги гуруҳи вилоят ҳудудидаги мавжуд археология ёдгорликларни ҳисобга олиш, харитага тушириш ва уларнинг сақланиш ҳолати масалалари билан бевосита шуғулланишни бошлади. Кейинчалик бу "Сурхондарё вилоятининг тарихий, археология ва меъморчилик ёдгорликлари мажмуаси" деган йирик илмий йўналишга айланди. Сурхондарё вилоятидаги ёдгорликларни рўйхатга олиш билан бирга баъзи бир ўрта асрларга оид обидаларда қазишма ишлари ҳам олиб борилди. Далварзинтепа шаҳри атрофида жойлашган Ғармалитепа ана шундай ёдгорликлар туркумидандир. Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлар даври тарихини ўрганишда Ш.Р.Пидаев ва Т.Ж.Аннаев ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Э.В.Ртвеладзе томонидан Тохаристоннинг араб ва форс манбаларда тилга олинган шаҳар ва қишлоқларнинг номи ҳозирги мавжуд археологик ёдгорликлар билан таққосланди.

1980 йилдан бошлаб Шимоли-Ғарбий Тохаристоннинг марказий шаҳарлари бўлган Эски Термиз ва Будрачтепаларда ўрта асрлар даври иншоотлари ва улар билан боғлиқ маданий қатламлар мунтазам равишда ўрганилмоқда. Натижада Эски Термизда ўрта асрлар даври муҳофизат истехкомлари, шаҳар хонадонлари, кулолчилар маҳалласи ва ундаги хумдонлар, христианлар ибодатхонаси каби иншоотлар ўрганилди. Бу тадқиқотлар туфайли Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлар даври маданиятидан дарак берувчи кўплаб манбаларга эга бўлинди.

Термиз ва Чағониённинг IX-XIII асрлар даври тарихи ва маданияти масалалари М.Е. Массон раҳбарлигида яратилган "Термиз археологик комплекс экспедициясининг илмий тўпламлари", З.А.Аршавская, З.А.Ҳакимов, Э.В.Ртвеладзеларнинг "Сурхондарёнинг ўрта асрлар даври ёдгорликлари", Г.А. Пугаченкова ва Э.В. Ртвеладзеннинг "Шимолий Бақтрия - Тохаристон тарихи ва маданиятидан тавсифлар", Э.В. Ртвеладзе ва А.С. Сагдуллаевнинг "Ўтмиш асрлар ёдгорликлари" каби асарларида ёритилган. Ж. Илёсов ва Ш. Раҳмоновлар Термиз ва Чағониённинг бадий санъати, қишлоқ аҳли маданияти, IX-XIII асрлар ҳарбий санъати ва муҳофизат истехкомларини ўрганиш борасида муҳим тадқиқотларни амалга оширдилар. Термиз ва Чағониённинг сўнгги ўрта асрлар даври тарихи ва маданияти (XVI - XIX асрлар) жуда кам ўрганилган. Вилоят ҳудудларидаги сўнгги ўрта асрлар даврига оид ёдгорликларда ўтказилаётган қизиқарли ишлари XVI - XIX асрлар мобайнида Термиз ва Чағониён юртларида ўзига хос маданият мавжуд бўлганлигини кўрсатмоқда.

Термиз ва Чағониённинг XVI - XIX асрлар тарихини ёритишда мавжуд ёзма манбалар билан бир қаторда бу ерда сақланиб қолган маъморчилик иншоотлари ҳам муҳим ҳисобланади. 1970 йилдан бошлаб вилоятнинг бир қанча ҳудудларида сўнгги ўрта асрларга оид ёдгорликлар рўйхатга олиниб,

уларда дастлабки қазилмалар ўтказилди. Бу борада Т. Аннаев, Ш. Пидиевлар томонидан Тўпаланг сув омбори ҳавзасида жойлашган Ёни-калон қалъасида, Хотинработдаги XVI - XIX асрларга оид қарвонсаройда амалга оширилган археологик қазилмаларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Шунингдек Қўхитанг ва Бойсунтоғ ён бағирларида, Жарқўрғон атрофида сўнгги ўрта асрларга оид бир неча янги ёдгорликлар ҳисобга олинди. Айниқса, Эски Термизнинг қалъа қисмида олиб борилган археологик қазилмалар туфайли Термизнинг бу давр маданиятини ифода этувчи кўплаб моддий маданият намуналари тўпланди.

Сурхондарё тарихи ва бу ўлкада мавжуд археологик обидалар хорижий мамлакатларнинг археолог, тарихчи, санъатшунос олимларининг доимо диққат марказида турган. Эски Термизнинг буддавийлик ёдгорликларидан топилган ёзувларни ўрганиш ишига хорижлик олимлар, жумладан, ҳинд олимлари Б.Мукержи, Н.Бхатия, венгриялик Я.Харматта ва германиялик Х.Хумбахларнинг қўшган ҳиссаси салмоқлидир.

Мустақиллик йилларида хорижлик олимларнинг Сурхон воҳаси тарихига қизиқиши ортиб, Бахтриянинг бронза даврини ўрганишда Филипп Колл (АҚШ), Дитрих Хуфф, Кай Канют, Майк Тойфер (Германия), илк темир даври ёдгорликларида Николос Бороффка (Германия), Ву Хин (Хитой), антик даврлар археологияси билан Пьер Лериш, Франц Гренет, Клод Рапен (Франция), Като Кюдзо, К.Танабэ (Япония), Ладислав Станчо (Чехия) иштирок этишиб воҳа тарихини ўрганишга, унинг қадимги маданиятини жаҳон халқларига танитишда катта хизмат қилмоқдалар.

2.4 IX асрда Термизда шаҳарсозлик

IX асрдан бошлаб бутун Мовароуннаҳрда бўлгани каби Термиз ва Чағониёнда ҳам шаҳарсозлик жадал тараққий этган. Бу даврда ўлкада уч қисмли шаҳарлар батамом шаклланган. Термиз ва Чағониённинг тузилишини ифодалашда тарихчи Жайханий ёзиб қолдирган маълумотлар жуда муҳимдир. Унинг ёзишича Термизда шаҳристон (ички шаҳар) ва кунҳандиз бўлган. Шаҳар бора (мудофаа девори) ва рабод (ташқи шаҳар)га эга. Чағониённинг марказий шаҳри Чағониёнда, ибн Ҳавқалнинг таърифлашича, арк-кунҳандиз мавжуд бўлган. Ал-Муқаддасий эса шаҳарда жуда кўп мухташам ёпиқ бозорлар бўлиб, улардан бирининг марказида пиширилган ғиштдан қурилган жума масжид жойлашган, деб таъкидлаган. "Худуд ал-олам"да Чағониёнга тоғнинг ён бағрида жойлашган катта шаҳар, деб таъриф берилган. Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданиятини ўрганишда археологлар М. Массон, Э. Ртвеладзе, Ш. Пидаевлар томонидан ўтказилган қазишма ишлари жуда муҳимдир. Термизнинг 500 гектарлик шаҳар тусини олиши Ш.Пидаевнинг таъкидлашича, X аср охирида содир бўлиб, XI-XII асрлар давомида жуда раванқ топган. Бунинг асосий сабабларидан бири унинг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан муҳим жойда, яъни Жайхун бўйида жойлашганлигидир. Археология ва ёзма манбаларга таяниб, Термизнинг X-XIII асрнинг биринчи чорагидаги ички тузилишини қуйидагича таърифлаш мумкин. Шаҳар кунҳандизида ҳоким саройи жойлашган. Шаҳристон ўзига хос қўш деворлар билан ўраб олинган. Ички шаҳарда X асрда бошқа иншоотлар билан бир қаторда термизлик олим Ал - Ҳаким ат-Термизий мақбараси шаклланган. Бу жойда жума масжид ва бозор ҳам бўлган. Шаҳристондан шарқда ва шимоли-шарқда мустаҳкам мудофаа иншоотлари билан муҳофазаланган рабод қисм жойлашган. Унинг ҳар томонида дарвоза мавжуд бўлиб уларнинг асосийси марказий йўлга туташ шарқий томондаги дарвоза ҳисобланган. Бу дарвоза шаҳарнинг ички қисмини термизшоҳлар саройи билан боғлаб турган. Рабоднинг марказий қисмида Чор-сутун масжиди ва минораси жойлашган. Бу жойда, шунингдек,

карвонсаройлар, ҳаммомлар ҳамда шаҳарлик ҳунармандларнинг алоҳида-алоҳида маҳаллалари бўлган. Рабоднинг қолган қисми ҳам шаҳристондаги каби юзлаб хонадонлардан иборат бўлган. Тарихчи Жайҳанийнинг таъкидлашича, "хонадонлар лойдан қурилган бўлиб, жуда мухташамдир." Ҳар бир хонадон шаҳарнинг умумий меъморилик тузилишига қараб қурилган. Бу ҳолни аниқса, хонадонларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишида, шаҳарни ичимлик суви билан таъминлаш ва чиқинди сувларни чиқаришга мўлжалланган қурилмалар мисолида кузатиш мумкин. Ҳар бир шаҳарлик хонадони 20 ва ундан ортиқ ҳар хил ҳажмдаги айвон, қабулхона, базм хоналари, эркак ва аёллар қисмлари ва хўжалик билан боғлиқ иншоотлардан иборат бўлган. Хоналарни безашда мураккаб ислимий ва гириҳ нақшлар, ранг-тасвирлар, ёғочкорлик кенг қўлланилган. XI асрдан бошлаб рабоднинг шарқий томонида термизшоҳлар саройи вужудга келган. Ярим айлана шаклидаги буржли мудофаа девори билан ўраб олинган бу саройнинг умумий майдони 10 гектарга тенг бўлган. Бу жойда асосан қабул маросимларига мўлжалланган қабулхона ва у билан боғлиқ бинолар қурилган. Чағониённинг марказий шаҳри Бударч (Қизилсувнинг Чағонрудга қуйилиш жойида) 6 квадрат километрга тенг майдонни эгаллаган. Бу шаҳар ўзининг юксакликка эришган даврида, яъни X-XI асрнинг биринчи ярмида Сангардак-Қизилсувнинг ҳар иккала қирғоғини эгаллаган. Тарихчи Истахрийнинг маълумотларига кўра, "Сағониён (Чағониён) Термиздан майдони жиҳатидан катта, лекин Термиз аҳолиси сони ва бойлиги билан Чағониёндан устун." Араб-форс манбаларида Термиз ва Чағониён каби пойтахт шаҳарлар билан бир қаторда яна бир қанча шаҳарларнинг номлари учрайди. Хушвара (Гуржак қишлоғидаги Хосияттепа ёки Каттатеп), Ҳошимгирд, Чарманган ёки Сарманган (форсийда Жарминкон, Жарқўрғоннинг Минор қишлоғида) ва бошқалардир. Шаҳарлар атрофида боғ-роғларга бой кўплаб қишлоқлар жойлашган. Тарихий манбаларда Термиз атрофида Рухшабуд, Шайшак, Батикар, Буғ, Чағониёнда эса Муқаддасий ёзиб қолдирган далилларга кўра, 16000 қишлоқ бўлган. Манбаларда

Чағониён қишлоқларидан Басанд, Баранги, Дорзанги, Қумғонон, Сангардак, Буроб, Зинвар, Навондаклар тилга олинган. IX асрдан бошлаб Термиз ва Чағониёнда уйлар, саройлар, қабул заллари ва масжидларни безашда мураккаб ислимий ва гириҳ нақшлар жуда кўп ишлатилган. Меъморчилик иншоотларини барпо этишда мураккаб қурилиш услублари (куббалар, ёйсимон арklar, гumbаз, пештоқ ва кунгурали устунлар) кенг қўлланилган. Маҳобатли қурилиш иншоотларидан тортиб алоҳида моддий маданият намуналарининг яратилиши билан боғлиқ жараён асосида Термиз ва Чағониён юртлари аҳолисининг ислом давригача эришган ютуқлари ҳам ётади.

2.5 Эски Термиз худудидаги ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва буддавийлик иншоотлари

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси худуди-мақбара бунёд этилгунга қадар.

Сурхон воҳасининг муқаддас зиёратгоҳ ва сайёҳлик ёдгорликларидан бири Эски Термиз худудида жойлашган ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳисобланади. Бу мақбара шаклланган жой эса Термиз рабоди, яъни ташқи шаҳарнинг таркибий қисмига тегишли. Эски Термиз худудининг ҳар бир қаричи, айниқса, ал-Ҳаким ат-Термизийдек буюк зот дафн этилган жой ўтмиш тарихимизни ёритувчи муҳим манбаларни ўз қаррида сақлаб келмоқда. 1994 йилдан ҳозирга қадар мақбара худудида амалга оширилаётган археологик тадқиқотлар натижалари бунинг исботидир.

1954 ва 1990 йилларда мақбара ва унинг теварак-атрофи тарҳи туширилган топографик хариталарда қуйидаги ҳолат кузатилади. Мақбарадан шимолий ва шимоли-шарқий тарафда баъзи қисмларининг баландлиги 3 метр бўлган ясси тепалик ҳосил қилган майдон жойлашган. Мақбара яқинида зиёратчилар томонидан ҳанузгача “чиллахона” деб аталадиган ягона ғорсимон иншоот мавжуд бўлган.

1994 йилдан буён ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва унинг атрофида Термиз Давлат университети археологик гуруҳи томонидан эътиборга лойиқ тадқиқотлар амалга оширилди. Афсуски, Термиз тарихига оид баъзи бир адабиётларда бу тадқиқотлар инобатга олинмади. Шу боис ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси худудида амалга оширилган тадқиқотлар тарихига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

XX асрнинг 90-йиллари бошида мақбарани зиёратчи ва сайёҳларга доимий очилиши муносабати билан маҳаллий мутасадди ташкилотлар ёдгорлик атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошира бошладилар. Археологик назорат давомида мақбарадан шимолий ва шимоли-шарқий тарафларда ер ости иншоотлари мавжудлиги аниқланди ва 1994 йилдан мақбара атрофида археологик қазув ишларига киришилди.

1994-1996 йилларда мақбара атрофида ўзбек-француз Бактрия археологик гуруҳи (раҳбарлар: тарих фанлари номзоди Т. Аннаев, профессор П. Лериш) таркибида Термиз Давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институти Сурхондарё бўлими иштирокида 5 та ғорсимон иншоот қазиб очилди. 2001 йилда мақбара мажмуидаги “Мерос” музейининг жанубий тарафида ўзбек-француз Бактрия гуруҳи (раҳбарлар: тарих фанлари номзоди Ш. Пидаяев, профессор П. Лериш) таркибида археолог Т. Аннаев бошчилигида 3 та ғорсимон иншоот ўрганилди.

2006 йилдан мақбаранинг қайта таъмирланиши муносабати билан меъморий обида ва унга туташ майдонда Термиз Давлат университети археологик гуруҳи (раҳбар т.ф.н. Т. Аннаев) кенг кўламда археологик изланишларни олиб бормоқда. Тадқиқотларга кўра, мақбара ҳудудининг қадимги саҳни Термизнинг Амударё ёқа қисмларидаги каби тўртламчи давр кум қатлами ёки маҳаллий лаҳжада ифода этганда “менг” қатламдан иборат. Ер жинсининг бу хусусияти ғорсимон иншоотлар қуришда жуда қулай бўлган ва бундан қадимги меъмор усталар моҳирона фойдаланганлар. Тармита (Термиз)да энг дастлабки ғорсимон иншоот милоддан аввалги II аср охиригача оид. Тармита (Термиз)лик меъмор-усталар буддавийлик дини бу шаҳарга ёйилгунга қадар ғорсимон иншоотлар қуриш санъатини ўзлаштирганлар. Фикримизча, Кушон подшолиги даврида эса Тармита (Термиз)да Ҳиндистон, Бомий ва Шарқий Туркистондаги каби ғорсимон иншоотлар қуриш меъморий мактаби тўлиқ шаклланган.

Ҳозирда мақбарадан шимолий ва шимоли-шарқий тарафдаги майдонда 10 та ғорсимон иншоот яхлит қазиб очилди. Таъкидлаш жоизки, Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳудуди, хусусан унинг шимолий ва шарқий тарафлари IX асрга қадар ғорсимон иншоотлар мажмуидан иборат бўлган. Бу ғорсимон бинолардан уларни қозиш жараёнида топилган ашъвий манбаларга кўра турли мақсадларда мунтазам фойдаланганлар. Ғорсимон бинолар меъморий ечими ва қурилиш услубига кўра уч турга бўлинади.

Биринчи тур. Бу тур ғорсимон бинолар йўлак қисми иншооттўрида жойлашган гумбазсимон ёки тўғрибурчак шаклдаги хужрага бевосита туташ қурилган.

Иккинчи тур ғорсимон бино меъморий жиҳатдан равоқсимон хона ва эшиги унга туташ хужрадан таркиб топган.

Учинчи турдаги ғорсимон иншоот қўшалок бинолар мажмуидан иборат. Қазиб очилган иншоотларнинг еттитаси биринчи турга оид бўлса, иккинчи ва учинчи турларга биттадан ғорсимон бино тўғри келади. Китобхонларда бу ғорсимон бинолар тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилиниши учун ҳар қайси турдаги иншоотларнинг меъморий тузилишига қисқача тўхталамиз.

Мақбара атрофида жойлашган биринчи турдаги ғорсимон иншоотлар эшик қисми турли йўналишда жойлашган бўлса, “Мерос” музейи атрофида ўрганилган ғорсимон биноларнинг қурилишида ўзига ҳослик кузатилади. Бу тарафда қазиб очилган тўрт ғорсимон бинонинг эшик тарафи жанубга, хужра қисми эса шимолий тарафга йўналтириб қурилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, қазиб очилган ғорсимон иншоотларнинг еттитаси биринчи турга оид. Биринчи турнинг ғорсимон иншоотлари эса меъморий ечимига кўра икки хил кўринишга эга. Биринчи кўринишдаги ғорсимон иншоотлар ўзининг маҳобатлилиги билан ажралиб туради. Тош қатлам юза қисмида ўйиб ишланган тор йўлак (эни 80-90 см.) хужра эшигига туташ бўлиб, йўлакчалардаги зиналар сони ғорсимон иншоотларнинг баъзи бирларида 14 ёки 16 тани ташкил этади. Хужра поли(фариши) эса тош ва қум қатламдан иборат материкнинг юза қисмидан уч метр ва ундан ҳам кўпроқ чуқурликда жойлашган. Хужралар тўғри тўртбурчак ёки тўғрибурчак кўринишда ўйиб ишланган томонлари эса 2x2 ва ҳ.к. метрга тенг. Хужра ички қисм девор ён томонларида токчалар ва сопол чироқлар осиб қўйиладиган уячалар ишланган. Хужра шифти унинг поли устидан 2,00 метр баландликда жойлашган.

Биринчи тур ғорсимон иншоотларнинг иккинчи хил кўринишга эга бинолари кириш қисмида 8-10 тагача зиналар ишланган. Хужра эшиги икки

канотида катта токчалар жойлашган, арксимон эшикдан бевосита хужрага кирилган. Аксарият қисми тўғри бурчак кўринишида бунёд этилган хужраларда токчалар жойлашган.

Иккинчи турдаги ғорсимон иншоот асосини ички қисм деворларида токчалар ўйиб ишланган равоқсимон хона ташкил этади. Равоқсимон хона ҳам унга туташ ғорсимон хужра каби тўртламчи қум қатлам, яъни материкка ўйиб ишланган. Равоқсимон хонанинг шимоли-ғарбий тарафида ғорсимон хужра туташ қурилган. Ғорсимон иншоот эшик қисми унинг жануби-ғарбий томонида жойлашган. Кириш қисм тош қатламга ўйиб ишланган ўн зинали тор йўлак кўринишига эга. Йўлакдан ўнгга қайрилиб равоқсимон хонага ўтилган; тўғрига-ўнта зина орқали хужрага кирилган. Хужранинг кириш қисми ўзига хос кўринишда ишланган бўлиб, икки эшикдан иборат. Зинапояли йўлак рўпарасидаги эшик баландлиги 1,70 метр бўлиб, тепа қисми ярим айлана шаклга эга. Унинг ўнг томонида хужранинг иккинчи эшиги жойлашган. Бир хужрада икки эшикнинг мавжудлиги қарийб 3 метр чуқурликда жойлашган хонада ҳаво айланишини таъминлаган. Хужра томонлари 2,55x2,85 метрга тенг ва унинг ғарбий тарафида эни 60 см, баландлиги 80 см бўлган токча ўйиб ишланган. Хужранинг гумбазсимон шаклдаги шифти 2 метр баландликда жойлашган ва хужра шифти ён томонларида диаметри 8-10 см. бўлган уячалар ишланган. Бу уячаларга таёқчалар жойлаштирилиб, улардан хўжалик мақсадларида фойдаланганлар (масалан, таёқчаларга хужрани ёритган сопол чироқлар осиб қўйилган ва ҳ.к.). Хужра гумбаз қисми марказида диаметри 33 см, чуқурлиги эса 3 см-тенг доирасимон шакл ўрни сақланиб қолган. Бу доирада хужрани ўйиш жараёнида қалинлиги айнан доира диаметрига тенг ёғоч тиркалиб, ўткир тиғли қуроллар ёрдамида хужра ўйиб ишланган.

Учинчи тур, яъни қўшалок ғорсимон иншоот меъморий жиҳатдан ўзига хослик ва ягоналиги билан ажралиб туради. Иншоот тарҳи ярим хоч шаклига ўхшаш, кириш қисм (эни 80 см.) ҳар иккала ғорсимон иншоот учун ҳам ягона. Сўл тарафдаги хужранинг йўлак қисмида 7 та зина жойлашган ва

кириш қисмдан хужра томон қарийб 1,50 метр масофада эни 17 см. эшик ўрни қайд этилди. Бу иншоотда юқорида таърифланган ер ости биноларидан фарқли томони шуки унда икки эшик бўлиб, биринчиси ёғоч табақали бўлган. Табақали эшик ўрнидан хужра томон 1,10 метр масофада перпендикуляр тарзда иккита йирик токча мавжуд. Токчалар асоси 1,50 м. тенг ва энига 1,70 м. ўйиб ишланган. Зинапоянинг еттинчи поғонасидан 2,60 м. масофада арксимон кўринишдаги хужра эшиги жойлашган. Арксимон эшик бўйи унинг бўсағасидан 1,50 метрга тенг. Хужра тўғрибурчак шаклида бўлиб, томонлари 2,55x2,65 метрга тенг, хона шифти эса унинг полидан 2,00 метр баландликка эга. Хужрада арксимон эшик рўпарасида ярим айлана шаклдаги токча ва девор шифтида пол сахнидан 1,73 см. юқорида ёғоч таёкчалар ўрни сақланиб қолган. Қўшалоқ иншоотнинг иккинчи хужрасига туташ тор йўлакнинг эни 75 см, ундан 10 та зина асоси сақланиб қолган. Бу ғорсимон иншоот ҳам у билан туташ бино сингари икки эшикли бўлган. Дастлабки эшикнинг бўйи қарийб 2 метрга яқин, олтинчи зина билан бир чизикда жойлашган ва йўлакча деворидан 7-8 см. олдинга чиқарилиб, тош қатламни ўйиб ишлаш орқали ясалган. Арксимон эшик яқинида тор йўлакнинг икки томонида ҳар хил ҳажмдаги икки токча ва токча асосидан куйида ёғоч таёкчаларга мўлжалланган икки уяча сақланиб қолган. Ўнинчи зина чегарасидан 65 см. дан сўнг 2,50 м. баландликдаги арксимон эшик жойлашган. Хужранинг ички қисми доира шаклида бўлиб, диаметри 2,60 м., хужра ён томонларида тўртта токча жойлашган, хужра шифти хона поли сатҳидан қарийб икки метрга тенг. Мақбара атрофида ўрганилган бу ғорсимон иншоотлар меъморий тузилишига кўра, эски Термизнинг Қоратепа буддавийлик ибодатхоналари мажмуидаги, айниқса, “Ғарбий қисм” ибодатхоналаридаги ғорсимон биноларга айнан ўхшаш.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси худудида энг дастлабки ғорсимон иншоотнинг бунёд этилиши санасини иккинчи турдаги иншоотдан жанубий тарафда жойлашган биринчи турга оид 4-иншоотни тадқиқ этиш давомида тўпланган ашёвий манбалар ойдинлаштиради. Тўртинчи иншоотдан унинг

соҳиблари қисқа фурсат давомида фойдаланганлар, сўнгра унинг хужра ва йўлак қисмлари жуда кўплаб сопол идишлар, жумладан, ташқи томони тўк жигарранг бўёқларга бўялган ва жигарранг геометрик шаклларда безалган кадаҳсимон косалар, арча барги, юлдузчалар, “будданинг оёқ излари” каби ўйма нақшли икки балдоқли кўзалар ва бошқа турдаги сопол идиш бўлаклари билан тўлдирилган.

Таърифи келтирилган бу сопол идишлар воҳанинг Окқўрғон қишлоғи, Зартепа шаҳри ва Қоратепа ибодатхоналарининг милодий IV асрнинг иккинчи ярми ва V асрнинг биринчи ярмига оид қатламларида қайд этилган кулолчилик намуналарига айнан ўхшаш. Бу манбаларга асосланиб таъкидлаш жоизки, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофидаги энг дастлабки ғорсимон иншоотга милодий IV асрда асос солинган. Милодий V аср давомида бирин-кетин бошқа ғорсимон иншоотлар ҳам барпо этилган ва ибодатхона қўхинларига хужра бўлиб хизмат қилган. Мақбара атрофида буддавийлик ибодатхонасининг аниқланиши жуда муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб, Термизнинг илк ўрта асрлар даври тарихи, шу жумладан, буддавийлик билан боғлиқ илмий муаммоларни бир қадар ойдинлаштиради.

Хитойлик буддавий қўхин Сюань Цзан (милодий 629-630 йиллар) Тами (Термиз)ни таърифлаб, бу шаҳарда 12 та буддавийлик ибодатхонаси ва минг қўхин бор деган маълумот ёзиб қолдирган. Шу боис, Т.И. Зеймаль Эски Термизда V-VIII асрларга оид буддавийлик ибодатхонасининг кашф этилмаганлигидан келиб чиқиб, эҳтимолки, Сюань Цзан Термизнинг ҳали тўлиқ вайронага айланмаган Кушон даври буддавийлик ибодатхоналарини ҳам назарда тутиб, шундай маълумот ёзиб қолдиргандир, деган фикрни билдирган. Б.Я. Ставиский эса Термизда илк ўрта асрлар даврига мансуб буддавийлик иншоотларининг ўрганилмаганлигига асосланиб Кушон подшолиги даври Тармита (Термиз) буддавийлик ибодатхоналарининг бу динни илк бора Тармита (Термиз) орқали Узоқ Шарқ мамлакатларига қадар тарқалишидаги ўрнини шубҳа остига қўяди.

Мақбара атрофида Термизнинг V-VIII асрларга оид яна бир буддавийлик ибодатхонасининг аниқланиши, Фаёзтепа ўрнидаги ибодатхонани қайтадан мукамал ўрганилиши ва бу ёдгорликда милодий VII асрга оид бино ва ашёвий манбаларнинг қайд этилиши қуйидаги фикрларни билдиришга имкон беради.

1. Буддавий коҳин-сайёҳ Сюань Цзан 629 йилда Термизда бўлган ва бу шаҳардаги буддавийлик ибодатхоналари тўғрисида аниқ маълумот ёзиб қолдирган.
2. Сюань Цзан томонидан ёзиб қолдирилган ибодатхоналардан бири ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофида жойлашган бўлган. Бу ибодатхона ёки ибодатхоналардан бири 704 йилда ҳам мавжуд бўлган. Бу борада илк Ислом даври араб-форс муаллифи ат-Табарий томонидан ёзиб қолдирилган маълумот жуда муҳимдир. Халифага бўйсунмасдан 689 йилда Термизни эгаллаб олган араб лашкарбошиси Мусо ибн Абдуллоҳнинг 15 йил ҳукмронлигида, яъни 704 йилда Термизни қамал қилган ал-Ҳорис бошчилигидаги араб қўшинига ёрдамга келган ал-Ашканд ўз ҳарбий қисмини ибодатхона ортига пистирмага яширганлиги тўғрисида маълумот бор.
3. Буддавий коҳин санаб ўтган 12 та буддавийлик ибодатхоналари сирасига Сюань Цзаннинг Термизга ташрифи чоғида ҳам ҳали тўлиқ вайронага айланиб улгурмаган Кушон подшолиги даврида бунёд этилган буддавийлик ибодатхоналари шу жумладан, Фаёзтепа ҳам киради.

Тадқиқотлар мобайнида тўпланган ашёвий манбалар (мўъжаз санъат намунаси, сопол идиш сиртига битилган куфий ёзув намунаси, нумизматика топилмаси сопол айниқса, сиркор идишлар ва ҳ.к. асосида ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофида ўрганилган ғорсимон иншоотларнинг мавжуд бўлган даврларини қуйидагича даврлаштириш мумкин.

1. Биринчи давр, яъни ғорсимон иншоотларнинг бунёд этилиши ва уларнинг коҳинлар хужраси вазифасини бажариши. Бу давр милодий IV асрдан VIII асрнинг иккинчи ярми ёки охирига қадар давом этган.

2. Иккинчи давр-мақбара атрофидаги ғорсимон иншоотларнинг қайта фойдаланилиши. Бу давр VIII асрнинг биринчи ярми X асрнинг 60-йиллари билан боғланади. Ғорсимон бино ички қисмлари Жайхун гилмояси ёки ганч сувоқда қайта сувалган, зинапояларга томонлари 26x26 см, қалинлиги 4-5 см га тенг пиширилган ғиштлар тахлаб чиқилган. IX асрдан X асрнинг 60-чи йилларига қадар бу ғорсимон иншоотлардан, шубҳасиз, ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг маслакдошлари ҳам ўз фаолиятлари давомида фойдаланганлар.

Мақбара атрофидаги ғорсимон иншоотларнинг баъзи бирлари X асрнинг иккинчи ярмидан аста-секин қўмила бошланган. Бу санани ғорлардан бирининг поли саҳни устидан Сомоний Абдулмалик ибн Нух ва Қуттегин номидан 957-958 йилларда Термизда зарб этилган фалс ойдинлаштиради. Термиз фалслари 957–958 йилларда Сомоний Абдулмалик ибн Нух (954–961 йиллар) ва унинг вассали Қуттегин номи билан зарб қилинган. Гардизий ва Ибн ал-Асир маълумотларига кўра, Қуттегин (ёки Хуттегин) Нух ибн Наср ҳамда Абдулмалик ибн Нухнинг таниқли амалдорларидан бўлиб, хазинадор вазифасини бажарган.

XVI асрдан эътиборан мақбара атрофи аста-секин қабристонга айлантирила бошлаган

Хулоса

Шимоли – ғарбий Бактриянинг қадимги шаҳар маданияти Ватанимиз шаҳарлари тарихининг узвий қисмидир.

Шимоли–ғарбий Бактриянинг шаҳар маданиятини ўрганиш 1936-1938 йилларда профессор М. Е. Массон бошчилигида фаолият кўрсатган Термиз археологик экспедицияси фаолияти билан бошланади.

Шундан бошлаб Шимоли–ғарбий Бактриянинг қадимги ва ўрта асрлар даври давр шаҳар маданияти босқичма-босқич ўрганилишда давом этди, тадқиқотлар кўлами кенгая борди ва археологик тадқиқотлар натижалари асосида Бактриянинг қадимги давр шаҳарсозлиги ва шаҳар маданиятига оид муҳим асарлар яратилди.

Мустақиллик йилларидан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби археология шу жумладан қадимги шаҳар маданиятини ўрганиш масалалари тубдан ўзгарди. Шаҳарсозлик ва шаҳар маданияти авваламбор илк давлатчилик кўринишининг намунаси сифатида эътироф этилди. Шунингдек қадимги шаҳарларни ўрганиш давомида унинг таркибида қазиб очилган иншоотлар, санъат ва ҳунармандчилик намуналарини сақлаш, таъмирлаш, музейларда намойиш қилиш муҳим масала сифатида шаклланди.

Бу борада Шимоли – ғарбий Бактрия (Сурхон воҳаси) қадимги давр шаҳарларини ўрганиш, айниқса Эски Термиз мисолида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида Термизнинг 2500 йиллигининг нишонланиши, унинг ҳудудида қазиб очилган иншоотларни сақлаш ва бу ҳудуд қадимий шаҳарларидан топилган бадий санъат ва моддий маданият намуналарини махсуслаштирилган музейлар (Термиз археология музейи) да намойиш қилиниши бу борадаги амалий ишлар ҳисобланади. Шимоли–ғарбий Бактриянинг шаҳар маданиятини ўрганиш ишига Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиклари А. Асқаров, Г. А. Пугаченкова, Э. В. Ртвеладзе, тарих фанлари доктори, профессорлар Т. Ширинов, А.

Сагдуллаев, тарих фанлари номзодлари Ш. Шайдуллаев, Ш. Пидаев, Ш. Рахмонов, Қ. Собиров, У. Рахмонов, В. Ионесов, Ж. Ильясовлар муҳим ҳисса қўшганлар.

Бу тадқиқотлар асосида Шимоли – ғарбий Бактриянинг қадимги давр шаҳарсозлигини қуйидаги асосий даврларга бўлиш мумкин.

1. Шимоли – ғарбий Бактриянинг илк темир асри шаҳарсозлиги ва шаҳар маданияти.
2. Шимоли – ғарбий Бактриянинг эллинизм даври шаҳар маданияти.
3. Шимоли – ғарбий Бактриянинг Кушон подшолиги даври шаҳар маданияти.

Шимолий – ғарбий Бактрия йирик ва айти пайтда марказий шаҳри Тармита Термизда Кушон подшолиги даврида бирин-кетин маҳобатли буддавийлик иншоотларига асос солинган. Ҳозирда мавжуд археологик маълумотларга кўра, 4 та буддавийлик иншооти ўрганилган. Булар Тармита шаҳридан ташқаридан жойлашган Қоратепа, Фаёзтепа, Зўрмала ва шаҳардан шимолий томонда қайд этилган номсиз буддавийлик иншоотларидир.

Юқорида баён этилган таърифдан кўриниб турибдики, Шимоли-ғарбий Бактрия шаҳарлари милoddан аввалги VII асрдан милodий IV асрга қадар Бактриянинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу муҳим илмий йўналиш янгидан-янги археологик кашфиётлар туфайли янада бойиб тўлдирилиб бораверади. 1980 йилдан бошлаб Шимоли-ғарбий Бактрия (шунингдек Тоҳаристон) Кушон подшоликлари даври йирик шаҳарларидан бири Тармита-Термизнинг барча тарихий даврларга оид иншоотлари ва маданий қатламларини Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ш. Р. Пидаев бошчилигидаги археологик гуруҳи томонидан ўрганила бошланди.

XX асрнинг 80-йиллари давомида бу гуруҳ томонидан қадимги шаҳарнинг турли қисмларида кенг қўламда археологик қазув ишлари амалга оширила бошланди. Археологик тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад, бу шаҳар

маданий қатламлар, қурилиш иншоотлари ва ашёвий манбаларни даврлаштиришдан иборат бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
2. Каримов И. А. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т., “Ўзбекистон” 1998.
3. Каримов И. А. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т., “Ўзбекистон” 1998.
4. Сағдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. Т., «Фан», 1987.
5. Шайдуллаев Ш. Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Т., Абдулла Кадирий. 2000.
6. Пидаев Ш. Р. К локализации Александрии на Оксе.//История материальной культуры Узбекистана. 26, 1992.
7. Пидаев Ш. Р. Керамика Греко-бактрийского времени с городища Старого Термеза.//Советская археология. № 1991.
8. Пидаев Ш. Р. Костяная статуэтка с городища Старого Термеза. Общественные науки в Узбекистане. №9, 1986.
9. Пидаев Ш. Р. Термез Греко-бактрийского времени в свете новых археологических раскопок.//Общественные науки в Узбекистане. №10-11, 1986.
10. Пидаев Ш. Р. Стратиграфия городища Старого Термеза в свете новых археологических раскопок // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Т., Фан, 1987.

11. Пидаев Ш. Р. Материалы к изучению древнейшей истории Термеза.// Общественные науки в Узбекистане. №3, 2000.
12. Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши// Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001.
13. Ртвеладзе Э. В. «Греческая» переправа на Оксе. Вестник древней истории. 1977, №4.
14. Ртвеладзе Э. В., Пидаев Ш. Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. Т., «Фан», 1983.
15. Ртвеладзе Э. В. Древнебактрийская крепость Шортепа// Археологические исследования в Узбекистане-2001.
16. Пидаев Ш. Р. Поселение кушанского времени Северной Бактрии. Т., Фан, 1978.
17. Ставиский Б. Я. Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры. М., Наука, 1977.
18. Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия-Тохаристан. Т., Фан, 1988.
19. Ставиский Б. Я. Кара-тепе-буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе (Кара-тепе 1) М., Наука, 1964.
20. Ставиский Б. Я. Буддийские пещеры Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 2) М., Наука, 1969.
21. Ставиский Б. Я. Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 3) М., Наука, 1972.
22. Ставиский Б. Я. Новые находки Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 4) М., Наука, 1975.
23. Ставиский Б. Я. Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 5) М., Наука, 1982.
24. Ставиский Б. Я. Буддийские комплексы Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе 6) М., Наука, 1996.
25. Ставиский Б. Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. М., Наука, 1998.

26. Чориев З, Аннаев Т. Фаёзтепа-Ўрта Осиёнинг энг қадимги буддавийлик ибодатхонаси. // Жайхун. Термиз Давлат университети хабарномаси, Термиз, 2005, № 3-4.
27. Альбаум Л. И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе (по материалам раскопок 1968-1972 гг.) Древняя Бактрия. Л., наука, 1974.
28. Альбаум Л. И. Исследование Фаяз-тепе в 1973 г.-Бактрийские древности. Л., наука, 1976.
29. Альбаум Л. И. Живопись святилища Фаяз-тепа-Культура Среднего Востока. Изобразительное и прикладное искусство. Т., 1990.
30. Древности Южного Узбекистана. Токио. 1991 (рус ва япон тилларида).
31. Пугаченкова Г. А, Ртвеладзе Э. В. и др. Дальверзинтепе-кушанский город на юге Узбекистана. Т., Фан, 1978.
32. Древняя Бактрия. Л., Наука, 1974.
33. Бактрийские древности. Л., Наука. 1976.
34. Абдуллаев А. Л. Памятники раннежелезного века Южного Таджикистана. Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию Южно-Таджикистанской археологической экспедиции М., 1983.
35. Хакимов З. А. Оазисное расселение в Бактрии эпохи раннего железа. Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. Тезисы докладов. (26-29 мая 1985 г. Далварзинтепе). Ташкент, 1985..
36. Tomashek W. Zentralasiatische studien. Sogdiana. Wien. 1877.
37. Ртвеладзе Э. В. Ксениппа-Паретака//Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. М., Наука, 1986.
38. Пьянков И. В. Бактрия в античной традиции. Душанбе, 1982.
39. Луконин В. Т. Среднеперсидские надписи из Каратеппе// Буддийские пещеры Кара-теппе в Старом Термезе. М., наука, 1969.
40. Пидяев Ш. Р. Керамика Греко-бактрийского времени с городища Старого Термеза. Советская археология. № 1, 1991.

41. Пидаев Ш. Р. Костяная статуэтка с городища Старого Термез. Общественные науки в Узбекистане, № 9, 1986.
42. Кругликова И. Т., Дильберджин. Материалы археологической карты Афганистана. Выпуск 2. М., Наука, 1974.
43. Аннаев Т, Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1997.
44. Ртвеладзе Э. В., Пидаев Ш. Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. Т., Фан, 1981.
45. Аннаев Т. Дж. Раскопки на Талитогора и вопросы водоснабжения древнего Термеза и его окружи//История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 19, Т., 1984..
46. Ртвеладзе Э. В. Термиз ва унинг Ўрта Осиёдаги аҳамияти // термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001.
47. Чориев З, Аннаев Т, Муртозоев Б, Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-термизий. Т., Янги аср авлоди, 2008.
48. Мкртичев Т. К. Термизда Буддизм. // Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., Шарқ, 2001.
49. Вертоградова В. В. Индийская эпиграфика из Кара-тепе в Старом Термезе: Проблемы датировки и интерпретации. М., Наука, 1995.
50. Чориев З. У, Шайдуллаев Ш. Б, Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Т, Янги аср авлоди, 2007.
51. Ртвеладзе Э. В., Хакимов З. А. Маршрутные исследования памятников Северной Бактрии. Из истории античной культуры Узбекистана. Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. 1973.
52. Ртвеладзе Э. В. Разведочные изучение бактрийских памятников на юге Узбекистана//Древняя Бактрия. Л., Наука, 1974.
53. Массон В. М. Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии//Древняя Бактрия Л., Наука, 1974.
54. Литвинский Б. А., Соловьев В. С. Средневековая культура Тохаристана. М., Наука, 1985.

55. Аннаев Т. Дж. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. Т., Фан, 1988.
56. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Т. Из-во А. Кадирий. 2000.